Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ● 10 март 1970 йил, сешанба ◆ № 57 (14.523). ◆ Баҳоси 2 тийин.

ЯНГИ КОРХОНАЛАР

Жарқўрғон районида «Сурхон» пахта тозалаш заводи қуриб фойдаланишга топширилди. Ҳар йили 30 минг тоннадан ортиқ пахтани қайта ишлайдиган бу корхона коллективи юбилей йилининг биринчи кварталида 300 тонна тола тайёрлаш мажбуриятини олди.

* * *

Термиз шаҳридаги нефть маҳсулотлари базасида керосин ва бензин каби ёнилғиларни қуйиб берадиган станция ишга туширилди. Станциядаги мосламалар нефть маҳсулотларини олдиндан белгилаб қўйилган миқдорда қуйиб беради. Бунда ҳоснятли кнопкалар база ходимлари ишини енгиллаштиради.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Сурхондарё областининг хўжаликларида қорақўй совлиқлар ёппасига қўзилай бошлади. «Коммунизм» совхозининг илғор чўпонлари ота-бола Алла Жўраев ва Рўзибой Аллаевлар отарларидаги совлиқларнинг ҳар 100 бошидан 110 тадан қўзи олишга аҳд қилишган. (Юқоридаги суратда). Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг илғор механизатори, комсомолларнинг Бутуниттифоқ XVI съезди делегати Бувайда Раҳмонова экиш агрегатини сифатли ремонт қилиб кўкламга шайлаб қўйди.

А. КЛЮЧНЕВ ва Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ фотоси.

КОМСОМОЛ, ЖАНГОВАР ИШГА!

Етмишинчи йилнинг баҳори бутун совет кишилари қатори ўтюрак, оташқалб ёшларимиз учун ҳам катта синов ва имтиҳон билан нишонланади. Ўзбекистон ёшлари шу жиддий ва масъулиятли имтиҳонга — Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрамини ўқиш ва меҳнатда муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўраётганликларини иккинчиида ўз ишини тамомлаган республика комсомоли XIX съездида изҳор этишди.

Съезд республикамизнинг жасоратга ҳамиша шай йигит ва қизлари улуғ доҳиймизнинг абадий барҳаёт таълимотини дилга жо қилиб, сиёсий, ғоявий, ахлоқий жиҳатдан кун сайин чиниқаётганликларини, мамлакатимиз кекса авлодининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарининг муносиб ворислари бўлиб етишишга астойдил бел боғлаганликларига бамисоли бир кўрик бўлди.

Ягона эътиқод, ягона мақсад билан жипслашган ва ўзининг нурли тақдирини коммунистлар улуғ партияси билан чамбарчас боғлаган коммунизмнинг ёш бунёдкорлари буюк яратувчилик ишларида фаол қатнашмоқдалар. Буларнинг ҳаммасида жонажон партиямизнинг буюк ғамхўрлиги ўз ифодасини топган.

Улуғ доҳиймиз янги жамиятни қуришда ёшларнинг ҳиссаси катта эканлигини, мамлакат қиёфасини шу жамиятга моланд қилиб ўзгартиришда ёшлар муҳим роль ўйнаши кераклигини таъкидлаб бундай деган эди: «Биз келажак партиясимиз, келажак эса ёшлар қўлидадир. Биз новаторлар партиясимиз, ёшлар эса доимо иштиёқ билан новаторларга эргашиб борадилар». Шундай. Шонр айтганидек:

Коммунизм —
бу ҳаёқон ёшлиги
Ва ўни ёшлар қурамиз!

Ўз сафида 1 миллиондан кўпроқ ВЛКСМ аъзосини уюштирган Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи тарих совет кишилари зиммасига қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳисобот даврида республикамиз саноатининг ишлаб чиқариш ҳажми қариб 24 процент ошган, олиҳиммат деҳқонларимиз Ватанга 16 миллион тоннадан эзиб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари армуғон этган, ўн миллионлаб гектар янги ерлар ўзлаштирилган экан, буларнинг ҳаммасида жўшқин ёшларимизнинг саъмоқли улуши бор.

«Зарбдор меҳнатимиз — Ленин юбилейига!» деган кидоки шиор остида улкан ёшлар янги-янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритмоқдалар. Республикадаги зарбдор қурилишларни — Олмалиқ химия гиганти, Тахиатош ГРЭСи, Чорвоқ ва Сирдарёдаги улкан энергетика иншоотлари, Мурунтов кон бойитиш комплекси, Қаршн ва Шеробод чўлларини ўзлаштиришдек ғоят масъулиятли ишларни улар ўз оталикларига олишган.

Ленинча синовлар ёшларнинг мазкур тайёргарлигини кучайтиришда хатта омил бўлди. Марксча-ленинча назарияни, фан чўқиқларини эгаллашда, ёшлари В. И. Ленининг ибратли ҳаёти ва жўшқин революцион фаолияти мисолида тарбиялаш вазифаларига жуда мос бўлган бу тадбирда республикамизнинг 1 миллионга яқин йигит ва қизлари фаол қатнашмоқда.

Партия ёшларимиз ўзларининг жўшқин фаолиятларини намоён этишлари учун кенг йўл очиб берган. Вазифа — ана шу оталарча ғамхўрликка амалий иш билан жавоб беришдан иборат. Доҳиймизнинг инсоннят яратган жамики бойликларни билиб, ўз онгини бойитган тақдирдагина коммунист бўлиши мумкин деган иқнази ҳар бир йигит ва қиз учун ҳаракат дастури бўлиши керак. В. И. Ленин «Ёшлар союзининг вазифалари» ҳақида комсомолнинг III съездида сўзлаган нутқида «Коммунист бўлиш — бутун ўсиб келаётган авлодни уюштириш ва бирлаштириш, бу қурашда тарбия ва интизом намунасини кўрсатиш демакдир. Шундагина сиз коммунистик жамият биносини қура бошлайсиз ва охирига етказа оласиз» деб уқтирган эди. Республикамиз комсомол ва ёшлари доҳийнинг бу васиятини муқаддас билиб, ўз фаолиятларида ҳамиша шунга амал қилишлари зарур.

Комсомолнинг кундалик фаолиятига ана шу талаблар асосида ёндошганда, бу соҳада ҳали анчагина камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги кўзда ташланади. Кўпчилик саноат корхоналарида ва қурилишларда беш кунлик иш ҳафтасига ўтилганлиги муносабати билан ёшларнинг билими, маҳоратини ошириш, уларнинг яхши ҳордиқ чиқариши учун кенг имкониятлар туғилди. Лекин шунга қарамай, кўп жойларда ёшларнинг маданий дам олиши кўнгилдагидай ташкил этилмаган. Қашқадарё, Хоразм областларининг баъзи районларида ўнлаб маданий-оқартув муассасалари бўлишига қарамай, уларнинг кўпчилиги яхши ишламайди. Қишлоқ комсомол ташкилотлари эса ана шу маданият масканларининг фаолиятсизлиги билан келишиб келмоқдалар.

Амалий ишда асосий бўғинни ажрата билмаслик, йигит ва қизларнинг эҳтиёжини билмаслик бир қанча комсомол ташкилотлари фаолиятига хос бўлган камчиликдир. Ёшлар ўртасида жамоат тартибини бузиш, безорилик қилиш ҳолларига батамом чек қўйилмаган экан, бу ҳам комсомол ташкилотлари фаолиятидаги жиддий камчиликлардандир.

Комсомол бундан бўён ҳам йигит ва қизларимизнинг чинакам етакчиси бўлиб қолишини таъминлашда партия, совет ва бошқа жамоат ташкилотлари зиммасига катта вазифа тушади. Улар комсомолнинг ибратли ташаббусларини қўллаб-қувватлаб кенг ёйишлари, бунёдкорлик ишларида ёшларнинг ҳиссасини оширишда комсомол ташкилотларига йўл-йўриқ ва ёрдам бериб туришлари, ёшларнинг куч-ғайратини коммунистик қурилишнинг улуғвор режаларини амалга оширишга сафарбар этишлари даркор.

Ҳозир бутун мамлакатимизда бўлгани каби республикамиз шаҳар ва қишлоқларида, қурилишларида — ижодий меҳнат жўш ураётган хамма ишлаб чиқариш коллективларида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг мамлакатимиз барча меҳнаткашларига тежамкорлик ва иқтисод қилиш учун юриш бошлаш ҳақидаги хати кенг муҳокама этилмоқда. Ишчилар, хизматчилар партия чақиригига лаббай деб жавоб бериб, зиммаларига конкрет мажбуриятлар олмоқдалар. Комсомол ва ёшлар юбилей шарафига авж олган бу ватанпарварлик ҳаракатида ҳам фаол қатнашишга даъват этилгандирлар.

Шонли Ленин комсомолининг жанговар отряди бўлган Ўзбекистон комсомоли йигит ва қизларнинг авангарди сифатида меҳнат ва турмушда, ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида намуна кўрсатишларига шак-шубҳа йўқ.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

ЮКСАК МАРРАЛАР САРИ

ПОЙТАХТ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ 1970 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ РАЙСИ Э. Т. ШАЙХОВ ШАРҲЛАЙДИ

Областимиз 1970 йилда давлатга 350 минг тонна пахта етказиб бериши керак. Ҳосилдорликни 25 центнердан ошириш мўлжалланмоқда. Бу улкан хирмонга Оққўрғон районн 80,0 минг тонна, Бўка районн 77,0 минг тонна, Янгийўл 65,0 минг тонна дурдонаси билан ҳисса қўшади. Бошқа районларимизда ҳам пахтачилик ривожлантирилади, ҳосилдорлик оширилиб, яппи тонна кўпайтирилади.

Юбилей йилида экин майдонларини 4100 гектар кенгайтириш кўзда тутилиптн. Бу билан пахта-беда алмашлаб экишга замин яратилади.

Бултур кўп ерларда ғўзалар вилт билан зарарланди. Бу йил ана шу офатга қарши қаттиқ ўт очамиз. 13000 гектар ерга беда экиладн. Оққўрғон, Янгийўл, Бекобод районларида бедазорлар 400 гектардан 600 гектаргача кенгайтирилади. Шунга яраша ер, уруғлиқ бор. Юбилей йилида Янгийўл районининг хўжаликлари биринчи марта 900 гектар майдонга ловия экишлари экади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, лубкорларимиз яхши меҳнат қилиб, юқори ҳосил етиштиряптилар, бу соҳадаги план бажарилиптн. Бу йил давлатга ҳар қачонгидан кўп канол пояси сотамиз. Шундан 170,0 минг тоннадан кўпроғини Оққўрғон райони 110,0 минг тоннасини Юқори Чирчиқ районининг хўжаликлари етказиб беради.

Биз Тошкент ва областнинг бошқа шаҳар меҳнаткашларини гўшт, сут, сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаймиз. Шаҳар кенгайяпти, аҳоли сони ортиб боряпти. Бу область меҳнаткашларидан янада ғайрат билан ишлаб, кўпроқ маҳсулот етиштиришни талаб қилади.

Областимизда сигирлардан кўп сут соғиб олаётган, чорва молларни бўрдоқи ва сўқимга боқиб, халқ хурматига сазовор бўлаётган хўжаликлар кўп. Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги», Карл Маркс номли колхозлар, Янгийўлдаги «Ленининзм» колхози ва «Чиноз» совхоз-техникумида ҳар бош сигирдан 3200-3800 литрдан сут соғиб олиняпти. Область партия комитети ва область ижроия комитети илғор хўжаликлар эришган муваффақиятларни умумхалқ мулкига айлантириш, шу йўл билан чорва маҳсулотларн етиштиришни кўпайтириш чораларини кўраётирлар. Туёқ сонини кўпайтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш ҳам диққат марказимизда турибди.

Областимизда шоличилик ҳам катта ўрин тутади. Беш йиллиннг сўнгги босқичида 33 минг тонна шолн тайёрлаб, шундан 19 минг тоннасини давлатга сотишимиз керак. Бу вазифани шараф билан бажаришга Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон районларининг шолиқорлари муносиб ҳисса қўшадилар, деган умиддамиз.

Сабзавотхорларимиз ўз ишларини бошлаб юборидилар. Анчагина майдонларга эртанги картошка ва сабзавот экилди. Бу йил 650 гектар ерда полиэтилен плёнкалари остида эртанги бодринг, помидор ва бошқа маҳсулотлар етиштирилади. Ўртаги ва кечки экинлар экиш, маҳсулот олиш планлари ҳам бажарилади.

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини областимиз меҳнаткашлари ҳамма соҳада катта зафарлар билан кутиб оладилар, бутун куч-ғайратлари, ички имкониятларини социалистик мажбуриятда белгиланган вазифаларни бажаришга сафарбар этадилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

ПАХТА — 350 минг тонна

ДОН — 150 минг тонна, шу жумладан шоли 33 минг тонна

САБЗАВОТ ВА КАРТОШКА — 270 минг тонна

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ МАҲСУЛОТИ — 70 минг тонна

МЕВА ВА УЗУМ — 73 минг тонна

ГЎШТ — 23,5 минг тонна

СУТ — 74 минг тонна

ТУХУМ — 84 миллион дона

КАНОП ПОЯСИ — 300 минг тонна

БАРАКА — ТЕЖАМДА

ТОМЧИДАН ДАРЁ

Тошкентдаги 1- пойафзал фабрикаси коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резерваларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида тежамкорликка қаттиқ риоя қилиш» ҳақидаги хатини муҳокама қилмоқдалар.

Корхонанинг 40 йиллик тарихи бор. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин республикамизда қурилган биринчи корхоналардан бўлган пойафзал фабрикаси маҳсулоти 1930 йили дўконга чиқди. Ўшандан бўён корхонанинг қуввати кўпаймоқда. Илгари бор-йўғи йилига ўн мингдаб жуфт пойафзал ишлаб чиқарган фабрика энди миллионлаб оёқ кийим тикяпти. 1969 йилда 5 миллион 868 минг жуфт пойафзал сотилди. Планга қўшимча тайёрланган маҳсулот 410 минг сўмни ташкил этди.

Коллективнинг ташаббускорлиги, ишга ижодий ёндошиши муваффақият калити бўляпти. Ўтган йили меҳнат унумдорлиги 4 процент ошди. Косибларнинг режалари ҳам чакки эмас. Беш йиллик мўъжизасини 27 ноябрга, йиллик планни 28 декабргача бажаришни мақсад қилишган.

Пойафзалчилар фойдаланилмаётган имкониятларни топиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш учун изланишда. Шу сабабли корхонада КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети хатини қизиқиш билан кутиб олишди. Барча коллективларда йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Айниқса, бичиш цехи ишчилари йиғилишида қимматли фикрлар айтилди. Коллективнинг ҳар бир аъзоси ўз фикр ва мулоҳазасини ўртага ташлади. Ишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан илғор технология усулларини жорий этиш, янги машина ва механизмлардан яхши фойдаланишга боғлиқ эканлигини гапиришди. Цехда 12 киши пойафзални қўлда бичаётир. Бу ишни механизациялашган прессда бажариш мумкин. Агар мавжуд пресслардан тезроқ фойдаланишга киришилса, ишнинг унумдорлиги икки марта ошади. Кунига қўшимча 600 жуфт пойафзални бичиб, тикув цехига юбориш мумкин бўлади.

Цехнинг пешқадам ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Надежда Авилова мулоҳазалари:

— Цехимизда ҳаммаси бўлиб 300 киши ишлайди. Кўп-рост айтишимиз керак. Ҳамманинг иши ҳар хил. 50 киши доимо иш топширикларини ошириб бажаради. Уларнинг қўлидан чиққан маҳсулот юқори сифатли бўлади. 50 киши эса смена топшириқларини кўпинча бажармайди. Улар ўрта ҳисобда планни 95 процентдан уддалашяпти. Қолганлар зиммаларидаги вазифани ўртача уддалашади. Цехда малакасиз ишчилари ўқитиш учун иккита группа ташкил этилса ёмон бўлмасди.

Мажлисдан кейинок, бичиш цехида ишчиларни ўқитиш масаласи қараб чиқилди. М. Толипов, Г. Соколова, Л. Чикова сингари беш йиллик илғорлари ёшларга амалий ёрдам кўрсатажакларини айтишди.

Цехларни айланиб юриб, оёқ кийими тикиш цехи мастери, шаҳар советининг депутати Лутфи Исамуҳамедова билан суҳбатлашдик.

— Халқимизда яхши гап бор, — дейди Исамуҳамедова, — тома-тома кўл бўлур дейишади. Меҳнат унумдорлигини ошириш аввало ишчиларнинг виждонига боғлиқ. Цехимизда ҳар хил хом ашёдан фойдаланилади. Чарм, мих, пошна. Иш тажрибамдан айтишим мумкинки, бу хом ашёларни тежаб сарфлаш тайёр маҳсулот таннархини камайтиради.

7-цехда ҳам ишчилар қимматли мулоҳазалар билдиришди. Материалларни конвейерда ишчиларга етказиб беришда қўлланадиган идишларни такомиллаштириш ҳисобига пойафзаля сифатини 0,8 процент яхшилаш мумкин экан. Ҳозир эски формовка агрегати қўлланяпти. Янги юқори босимли агрегатдан фойдаланилса ишчиларнинг меҳнати янада унумли бўлади. Цех бошлиғи Аҳмаджон Абдуллаев коллективда баъзан учраб турадиган ишга беш-ўн минут кеч келиб барвақт кетишнинг салбий таъсири ҳақида сўзлаб берди. Агар ишчи кунига цехда бир соат бекор қолса 75 жуфт пойафзал тикилмай қолади. Ҳолбуки кўпинча цехда баъзи ишчилар бир соат эмас, бир неча соатлаб бекор туриб қолишади. Демак цехларарО алоқани янада мустаҳкамлаш керак.

Корхонанинг электр цехи ишчилари электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш имкониятлари борлигини кўрсатишди. Электр двигателига ишлатиладиган симдан кўпинча ортиқча қисми кесиб ташланарди. Килограмми 1 сўм 80 тийин турадиган қимматбаҳо симни двигателга ўрашдан олдин аниқ ўлчаб кесиб олинса, йилига 450 килограмм симни тежаш мумкин. Бу 700 сўм деган гап.

Айниқса корхона бош инженери С. Муруновнинг таклифлари этиборимизни тортди.

— Фабрикада пресслаш ва тикув машиналарида 3,2 ва 0,5-0,6 киловаттли электр двигателлари қўлланмоқда. Бу қувват машиналаримиз учун кўп. Уларни юргизишда 2,8 ва 0,25 киловаттли двигателлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шуни ҳисоблаб чиқдик. Имкониятларимиздан фойдаланиб янги двигателлар тезроқ ўз ўрнига қўйилса, йилига минг-мингдаб киловатт-соат электр энергиясини камроқ сарфлаймиз. Янги унумли машиналардан фойдаланишни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Тег чармларни кесишда ҳозиргача 20 га яқин «Революцион» маркали пресслардан фойдаланиб келяпмиз. Бу пресслари 18 тоннали босимга эга бўлган машиналар билан алмаштириш керак. Пойафзалнинг уст қисми чармларини созлашда эса «Идеал» машинасини ПВ-10 машинаси билан алмаштириш иш унумини оширади.

Фабриканинг барча участкаларида доҳий юбилейига меҳнат совғаси тайёрлаш учун ғайрат билан ишлашяпти. Уларнинг қай бири билан учрашманг. Хат муносабати билан тежоғли ва бежоғлиқ деган ҳикматга амал қилиб янги-янги таклифлар, мулоҳазалар билдиришади. Пойафзалчилар ўтган йили тежалган хом ашё ва электр энергияси ҳисобига 98 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқарган эдилар. Улар йилларда бу йил пландан ташқари 60 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини камида 2 процент ошириш юзасидан олган мажбуриятларини муваффақиятли бажариш ҳақида қайғурмоқдалар.

М. СОЛИХОВ.

*

Суратда: Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси 7-цехи ишчилари тежамкорлик ҳақида суҳбатлашмоқдалар.
И. Глауберзон фотоси.

22 АПРЕЛЬ 1970 ЙИЛ

ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИ КУНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Қадрли ўртоқлар!

1970 йил 22 апрель асримизнинг муқаддас йилномасига буюк тарихий воқеа бўлиб киради. Шу куни совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният Владимир Ильич Ленин туғилганлигининг юз йиллигини нишонлайди.

Шу муносабат билан баъзи матбуот органлари, радиоэшиттириш ва телевиденье редакциялари бу муборак кунни қандай ёритиш ҳақида кенг ижодий фикр юритяптилар. «Совет Ўзбекистони» редакцияси ҳам газета саҳифаларида ана шу бениҳоя табаррук ва қутлуғ кун таассуротларини қандай, қай мазмунда ёритиш юзасидан кенг газетхонлар оммасига мурожаат қилишни зарур деб ҳисоблади.

Сизларга тақдим этаётган анкетамизга жавоб тарзида йўллайдиган хатингиз турли шаклларда — очерк, лавҳа, репортаж тарзида, фотосуратларда ифодаланиши ҳам мумкин. Ўйлаймизки, ҳаммамиз учун ғоят азиз ва мўътабар кунниинг ўчмас хотираси ҳақида баён қилинган ҳар бир қимматли фикр тарихий сана зарварақларида умрбод муҳрланиб қолажак.

Биз сизлардан қуйидаги уч саволга жавоб кутамиз:

1. Сиз меҳнат ва ижод этаётган коллектив, шахсан ўзингиз В. И. Ленин юбилейи кунини қандай совға-саломлар билан кутиб олдингиз ва бу тарихий воқеа сизнинг тасаввуригизда, хотираларингизда қандай из қолдирди. Яна сизда қандай янги ҳис-туйғулар, ўй-фикрлар, орзу-истаклар вужудга келди!

2. Улуғ доҳий ғояларини амалга оширишда, сизнингча қандай ишлар қилинди ва қилинмоқда! Сиз бу ишлар ифодасини нималарда кўрасиз! Буни кўп қиррали ҳаётимиз мисолида, ёки бўлмаса коллективингиз, ўртоқларингиз, ҳамкасб дўстларингиз, шахсий фаолиятингиз мисолида қандай тасвирлаб бера оласиз!

3. Ҳамиша барҳаёт, жанговар ва курашчан таълимот бўлган марксизм-ленинизм таълимотини пухта ўқиш-ўрганиш ва бу таълимотни коммунистик жамият барпо этиш йўлида олиб бораётган амалий ишларимизда янада кенг қўлланиш учун нималар қилишимиз кераклиги ҳақида қандай фикр-мулоҳазаларингиз бор!

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИ.



РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

ЎЗБЕКИСТОН ССР

УЙ БЕКАЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Тошкентдаги 73-мактабда тўрт йилдан бери «энг яхши она» — уй бекаси деб номланган конкурс ўтказилиб келмоқда. Халқ университети қошида уюштирилган бу конкурсда «Обувная» ҳамда Абдулла Авлоний маҳаллаларининг аёллари уй-рўзғор тутиш, бола тарбияси, маданий кийиниш, дам олиш ва пазандалик бўйича ўзаро мусобақалашиб келмоқдалар.

Антиқа кураш ҳар гал анъанавий равишда баҳор байрами — 8 март арафасида якунланади.

Яқинда мусобақага якун ясалди. Мусобақада 10 аёл Фрунзе район партия комитети ва ижроия комитетининг Фахрий ёрлиқларини олишга муяссар бўлди. Улардан Ҳадича Орипова учинчи марта шарафли ном эгаси бўлди. Бу аёл ҳақидаги хабар ўтган йили Англияда чиқадиган «Совьет уиклиз» журнали орқали ҳам берилган эди.

Ҳ. НОСИРОВ.

САНЪАТКОРЛАР ТУҲФАСИ

«ОЛТИН ДЕВОР»

Каттақўрғон шаҳар театрининг ижодий коллективи санъат муҳлисларига янги спектакль тортиқ қилишди. Бу гал истеъдодли шоир Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» уч пардали комедияси саҳналаштирилди. Ҳаётга юзаки қаровчи, енгилтак ва бойликка хирс қўйган баъзи шахслар устидан кулги уйғотувчи асарни бош режиссёр Иброҳим Нуъмонов саҳналаштирган. Саҳна безаклари ва манзарали расмлар самарқандлик рассом Ҳикматилла Фозиловнинг мўйқаламига мансуб. Асосий ва бош ролларни ўйнаган артистлардан Асад Ҳайруллаев, Абдулла Сотиболдиев, Анора Исмоилова ҳамда Исмоилжон Каримовлар яратган образлар санъатсеварларга манзур бўлмоқда.

А. ҲОШИМОВ.
КАТТАҚЎРҒОН шаҳри.

АВТОМАТ ТЕЛЕФОНЛАР

АЛЛО, «ГУЛБОҒ»МИ?

Задарё районидаги «Гулбоғ» совхозининг ишчилари яна бир қулайликка эга бўлдилар. Улар энди шаҳарлар билан алоқа боғлаш учун район марказига бориб юрмайдилар. Истаган киши бу ерда ишга тушган автомат телефон станцияси орқали хоҳлаган шаҳарлари билан гаплаша олади. 200 дан ортиқ хонадон эса шахсий телефонга эга бўлди.

Областнинг Норин посёлкасида ҳам 200 точкали телефон станция ишга тушиш арафасида. Яқин орада Янгиқўрғонда яна 400 юшнинг уйига телефон симлари тортилади.

А. МАДУМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

Наманган области.

ДОҲИЙ МУЗЕЙИ ФИЛИАЛИ КЎРГАЗМАЛАРИ

ЖАҲОН МЕҲРИ

Доҳий В. И. Ленин музейининг Тошкент филиали кунда бир чирой очмоқда. У яқин вақтлар ичида фойдаланишга топширилади. Ҳозирданоқ музей филиалига жаҳонинг турли томонларидан хилма-хил экспонатлар кела бошлади.

Мана бу фотосурат яқингинада олинди. Унда В. И. Ленининг 1910 йилда Копенгагенда бўлгани тасвирланган. «Дания — СССР» маданий алоқалар жамияти юборган фотосуратларнинг яна бирида Копенгагендаги Вестер-брогад кўчасининг кўриниши тасвирланган: бу кўчада Ильич яшаганди.

Бошқа фотосуратларда В. И. Ленининг Королев кутубхонасида бўлгани, бу ерда иккинчи Интернационал конгрессининг мажлисларидан бўш вақтларида қишлоқ хўжалиги адабиётлари устида ишлагани тасвирланган. «Дания — СССР» жамияти В. И. Ленининг Скандинавия мамлакатларида бўлганини тўғрисида ҳикоя қилувчи китоб тайёрланаётганлиги ни ҳам маълум қилган. Доҳийнинг Данияда ҳаётини акс эттирувчи бобни таниқли тадқиқотчи Альфред Енсен тайёрламоқда.

Ҳинд—совет маданий алоқалар жамиятининг Деҳли бўлими томонидан тайёрланган «Ленин ва адабиёт» китоби ҳам Тошкентга етиб келди. Покистон пойтахти Карачи шаҳрида «Ленин овози» шеърий тўпламининг иккинчи китоби нашрдан чиқиши билан, унинг нусхалари Ўзбекистонга юборилди. Бу тўплам машҳур адабиётшунос Анвар Эҳсон Сиддиқий таҳрири остида чиққан. Туркияда ҳам улуғ доҳийнинг ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш ортиб бораяпти. Кейинги уч йилда бу ерда доҳийнинг салкам йигирма номдаги асари босилиб чиққанлиги шундан далолатдир.

Қоҳирада В. И. Ленинга бағишланган кўргазма намойиш қилинди. «БАР — СССР» жамиятининг бош секретари Абдил Салом Набих Ўзбекистон жамияти ихтиёрига ана шу кўргазмада кўпчиликни қизиқтирган фотосуратлар тўпламини совға қилиб жўнатди.

Европа мамлакатларининг меҳнаткашлари ҳам пролетар революцияси доҳийсининг хотирасини ҳурмат билан ёдга оладилар. «Ленин Швейцарияда» деб номланувчи китоб «Швейцария — СССР» жамияти марказий правлениесининг аъзоси, Женевадаги санъат тарихи музейининг директори Пьеэола томонидан яратилган. У бир қанча муддат Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган эди.

Ж. УМИДХОНОВ,
Тошкент шаҳри.

Муҳтарам олимларимиз ҳақида

ИСТЕЪДОД ЭГАСИ

Бундан бир неча йил муқаддам Ғани Орифхонович Мавлонов раҳбарлигида Мирзачўлда ер ости сувларининг ҳаракатини кузатиш бўйича бир неча гидрогеологик постлар ва станциялар ташкил этилди. Натижада кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш проблемалари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Бундан ташқари, Қайроқкум, Ламмикор, Арис—Туркистон каналлари ёнасидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда ҳам профессор Мавлоновнинг хизмати катта. Қарши чўли, Мирзачўл ва бошқа янги ўзлаштирилаётган майдонларнинг гидрогеологик ва инженер-геологик хаританда ҳам Ғани Мавлоновнинг илмий раҳбарлигида тузиб чиқилди...

1964 йилнинг 26 апрель куни Зарафшон дарёсининг йўлини йигирма миллион куб метр тоғ жинси тўсиб, Тожикистон ва Ўзбекистон республикалари қишлоқларига хавф-хатар туғдирди. Ғани Мавлонов ҳам мутахассис олим сифатида ўша кунлёқ Айний қишлоғига етиб келди ва фалокатнинг олдини олиш, яъни дамба ёнидан канал қазиш ва сувни шу канал орқали ўтказиш лозимлигини, шундай қилинганда сув оқими тезлиги аста-секин пасая бориши фикрини илгари сурди. Бу таклиф бошқаларга ҳам маъқул тушди...

Ўзбекистонда сейсмология фани асосан Тошкент зилзиласидан кейин ривожлана бошлади. Ғани Мавлонов директорлик қилаётган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси сейсмология институти илмий ходимлари ҳозирнинг ўзидаёқ катта тажриба тўпладилар. Зилзиликда чет эллик олимлар ҳам ўзбек сейсмологлари ишларига катта қизиқиш билан қарамоқдалар.

Олтмиш баҳорни кўраётган коммунист олим Ғани Мавлоновнинг амалий ишлари ҳамма вақт улуғ Ленин партияси режалари билан узвий боғланғандир. Шунинг учун ҳам академиянинг геология, гидрогеология ҳамда инженерлик геологияси соҳасидаги хизматлари муносиб тақдирланди. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби деган юксак унвон берилди. Ҳукуматимизнинг бир қанча орден ва медаллари унинг кўксини безаб турибди.

О. АКРАМХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси,
А. ИСМОЛОВ,
геология-минерология фанлари кандидати.

ТАБИАТ ОШИҒИ

Ипполит Иванович Гранитов Верний (Олмаота) шаҳридаги ўрдаг гимназиясида ўқиб юрган чоғларида тоғ ишлари устаси бўлишни ҳавас қилар эди. Лекин ҳаёт уни ўсимликлар дунёсининг тузилишини, унинг ер юзида тарқалишини, ўсиш ва ривожланиш қонунларини пухта биладиган олим қилиб етиштирди.

Профессор И. И. Гранитов ҳаётида унутилмас бўлиб қолган 1919 йилни эслаб, шундай ҳикоя қилади:

— Менда ўсимликлар дунёсини ўрганувчи наботот илмига илк бор муҳаббат уйғотган киши Валериан Семенович Титовдир. Валериан Семенович Ўрта Осиё ўсимликлар дунёси билан яхши таниш бўлган машҳур ботаниклардан бири эди. 1919 йилда мен Валериан Семенович бошчилик қилган Еттисув ботаника экспедициясида қатнашдим. Бу ерда В. С. Титов менда ўсимликлар оламининг сирларини билиш учун жуда катта ҳавас уйғотди.

Ана шундан буён орадан 50 йил вақт ўтди. Мен бўлсам ўсимликлар дунёсининг мафтуни бўлиб қолдим...

Совет ҳокимиятини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилишда қатнашган И. И. Гранитов 1925 йилда Туркистон Давлат университетининг физика-математика факультетига кириб, уни муваффақиятли тамомлайди. Шу даврдан буён у университетда ўқитувчилик қилиб келмоқда. И. И. Гранитов 1961 йилда «Қизилқум ўтлоқларининг картаси» деган мавзуда биология фанлари доктори деган илмий даражани олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Ҳозир профессор ТошДУнинг биология ва тупроқшунослик факультети олий ўсимликлар кафедрасининг мудири.

И. И. Гранитов юздан ортиқ илмий рисолалар ва китобларнинг муаллифидир. Булар орасида Қизилқум ўтлоқларига бағишланган «Жануби-Ғарбий Қизилқум ўсимликлари қоплами» номли икки томлик асари, айниқса, диққатга сазовордир.

Юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашда Ипполит Ивановичнинг хизмати айниқса, катта. Олимнинг бевосита раҳбарлигида 20 дан ортиқ киши кандидатлик ва беш киши эса докторлик диссертацияларини ёқлади.

Давлатимиз И. И. Гранитовнинг кўп йиллик илмий ва педагогик фаолиятини муносиб тақдирлади. Унга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, деган фахрий унвон берилган. Кўксини безаб турган кўшқўш орден ва медаллар эса унинг кўп йиллик хизматлари эвазига берилган мукофотлардир.

М. ОРИФХОНОВА,
биология фанлари доктори, профессор.

В. ОДИЛОВ,
биология фанлари кандидати, доцент.

В. И. ЛЕНИН Марказий музейининг Тошкент филиали қурилиши поёнига етай деб қолди. Қўли гул қурувчиларимиз катта ғайрат кўрсатиб бу қутлуғ зиёратгоҳни муддатдан илгари фойдаланишга топшириш учун барча имкониятларни ишга солаётирлар. Суратларда: (чапдан) бўёқчи З. Коротаева, дурадгор П. Титов ва юбилей вахтасининг зарбдори, биринчи Тошкент автомобиль-ремонт заводининг ишчи А. Исломов ўртоқлар. А. Исломов музей қурилишида ишлаётган автомобилларни ўз вақтида ремонт қилишда ғайрат кўрсатяпти.

И. Глауберзон фотолари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ХАРАКТЕРИСТИКА

— Иван Иванович, салом! Владимир Михайлович яқинда олтмиш ёшга кирар экан, хабарингиз борми?

— Ҳа, биламан.

— Гап бундай, Иван Иванович! Ўхшатиб, кифтини кўтириб бир характеристика ёзсангиз, чолни бир хурсанд қилайлик, умрбод эслаб юрсин. Қачон тайёр бўлади.

— Индинга.

— Индинга?! Битта характеристика ёзиш учун қирқ саккиз соат керакми?

— Партком аъзоларини йиғиб гаплашиб олмоқ керак. Масала жиддий.

— Нимасини гаплашасиз, нимаси жиддий? Владимир Михайловичнинг кимлигини билмайсизларми? Шу трестни тузиб, Пахтакор посёлкасига биринчи ғишт қўйганлардан, яна бир нечта орден ва медаллари бор. Келинг, арзимайдиган бир характеристика учун баҳслашиб ўтирмайлик, кечи билан эртагача тайёр бўлсин. Райком кутяпти.

— Иложи борича тезлатишга ҳаракат қиламиз.

Иван Иванович Потапов трест бошқарувчиси олдидан бир оз ҳаёлга ботиб чиқди. Орадан кўп вақт ўтмай, райкомдан ҳам қўчирoқ қилишиб, характеристикани тезлатишни сўрадилар.

Эртаси куни партком мажлиси чақирилди. Кун тартибига «КПСС аъзоси, 13-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи В. М. Рудометкинга партиявий-ишлаб чиқариш характеристикаси бериш тўғрисидаги масала қўйилди.

Унга қуйидаги мазмунда характеристика беришга қарор қилинди.

«Владимир Михайлович Рудометкин 1961 йилдан буён шу трестда раҳбарлик вазифасида ишлаб келмоқда. У тажрибали ходим. Ўртоқ Рудометкин раҳбарлик қилаётган 13- механизациялашган кўчма колонна коллективи жуда муҳим объектлар қурилишини муваффақиятли бажарди. Трестнинг партия ташкилоти КПСС аъзоси В. М. Рудометкин фаолиятини юқори баҳолаб келди. Парткомнинг 1968 йил 12 май йиғилишида қайд қилинишича, у бошлиқ қурилиш ташкилоти бир йил давомида қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштириш ҳисобига 40 минг сўм тежаб қолган. Фойдаланишга топширилган биноларнинг сифати талаблар даражасидадир.

Ўртоқ В. М. Рудометкин жамоат ишларига актив иштирок этади. У партия ташкилотининг бюро аъзоси ва қишлоқ Советининг депутати. Унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан юқори баҳоланган. «Ҳурмат белгиси» ордени, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланган. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор» деган унвон эгаси.

Бироқ ўртоқ В. М. Рудометкин кейнги пайтларда анча ўзгариб қолди. Унда манманлик, мақтанчоқлик каби салбий хислатлар қуртак отмоқда. Хизматларини деб қиладиган, ўз шахсини юқори қўядиган одат чиқарди. Кўп жойларда «Менинг ташкилотим» дейдиган бўлиб қолди. Партия, касаба союз ташкилоти билан ҳисоблашмайди. Бу камчиликлар унга бир неча бор айтилди, лекин тегишли хулоса чиқармаётир.

Раҳбар сифатида ҳам масалага объектив ёндошмайди, ваъдабоз. Ўз вазифасини суиистеъмол қилмоқда. Баъзан давлат мулкидан шахсий манфаати йўлида фойдаланмоқда.

Ушбу характеристика билан танишган трестнинг янги бошқарувчиси ўртоқ Н. Цуцман:

— Бунга бировга кўрсатишга уялмиз, — деди.

— Фактдан кўз юмиб бўлмайди. Биз бу масалани партком мажлисига яна кўймоқчимиз, — деди ўртоқ И. И. Потапов.

Трест партия комитетининг секретари ана шу характеристика билан таништирар экан, бизни ажаблантирган бир масала устида ўзи гап очиб қолди.

— Ҳаммасидан бўлмаса-да, баъзиларидан олдин ҳам хабаримиз бор эди. Унга бир неча бор танбеҳ бердик. Натижа чиқмаётир. Комиссия тузганмиз. Текшириш боряпти. Молиявий ишлари ҳам анча чатоққа ўхшайди. Уйига 880 сўмлик давлат инвентарини олиб бориб қўйганмиш.

Гап характеристика тўғрисида бораётгани учун ҳам яна шу мавзуга кўчамиз. Партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси — тажрибаси ва билимига, ишчанлиги ва гоявий етуклигига қараб кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишнинг ҳаётбахш шиорини ишлаб чиқиш ва ишларни ташкилий жиҳатдан ташкиллаштириш ва ҳоказолар.

Трест партия комитети бирор коммунистга характеристика беришда кўпчиликнинг фикрига таянади, масалани партком мажлисларида характеристика олаётган кишининг иштирокида муҳокама қилади. Бу эса коммунистнинг ўзи сезиб ёки сезмай қилган хатоларини билиб олишда катта ёрдам бермоқда.

Партия комитети КПСС аъзоси ўртоқ И. И. Рогозани ҳамма вақт қўллаб-қувватлаб келди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, топшириларни вазифага садоқати билан кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган эди. Собиқ бригадир ўртоқ Рогоза участка бошлиғи вазифасига тавсия қилинди.

Бироқ, ўртоқ И. Рогоза ўзига берилган бу тўғри баҳодан нотўғри хулоса чиқарди. Партия ташкилоти фаолиятида пассив иштирок этабошлади. Йиғилишларга баъзан сабабсиз келмайдиган бўлди. Кўпчиликни менсимай қўйди. Яқинда партия комитети ўртоқ Рогозанинг хулкини муҳокама этиб, уни тартибга чақириб қўйди.

Одамларни тўғри баҳолай билиш, уларнинг яхши ва ёмон томонларини очиқ кўрсатиш — камчиликларнинг олдини олишда муҳим воситадир. Улуғ доҳийимиз В. И. Ленин бу масалага жуда катта эътибор берарди. Кишиларни баҳолаганда уларнинг ҳамма фазилатларини ҳисобга олар, камчиликларини рўй-рост кўрсатар, юксак инсонийлик туйғуси билан суғорилган характеристика берарди. В. И. Ленин ўзи билан бирга ишлаган, учрашган кишиларни яхши биларди.

«Мирзачўлсовхозстрой» трести партия комитетининг одамларни баҳолашда принципиал, объектив йўл тутиши коллектив олдида турган юбилей йили вазифаларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлашда катта роль ўйнамоқда.

Т. ЖАМОЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Республикамиз пойтахтидаги «Ўзбексельмаш» заводининг пайвандчиси Тўра Нормуҳамедов саккиз йилдан буён шу корхонада ишлайди. Ўз ишининг устаси, корхонанинг илғор ишчиларидан бўлган Нормуҳамедов шу кунларда юбилей олди меҳнат вахтасида ишламоқда.

А. Тўраев фотоси.

В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги олдидан

ЛЕНИНИЗМ — ИНТЕРНАЦИОНАЛ ТАЪЛИМОТ

Совет халқи, бутун прогрессив инсоният илмий коммунизм назариячиси, оташин революционер, бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ доҳийси В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда.

В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги унинг идеялари бутун жаҳон бўйлаб кенг ёйилган бир вазиятда нишонланмоқда. В. И. Ленин ғоялари жаҳонни революцион асосда тубдан ўзгартиришда ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида В. И. Ленининг кўп қиррали фаолияти: янги типдаги марксистик партияни тузиши, Россия ва халқаро ишчилар ҳаракатидаги ҳар қандай антимарксистик оқимларга қарши муросасиз кураши, кишилик тарихида янги даврмонополистик капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш даврини бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясини тайёрлаш ва унинг ғалабасини таъминлашдаги роли, жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар ҳокимияти—Совет давлатини тузишдаги хизмати тўла баён қилинган. Тезисларда Ленинизмга «империализм ва пролетар революциялари даврининг, мустамлакачилик инкирози ва миллий озодлик ҳаракатлари ғалабаси даврининг, инсониятнинг капитализмдан социализмга ўтиши ва коммунистик жамият қурилиши даврининг марксизмидир», деб таъриф берилади.

В. И. Ленин халқаро коммунистик ҳаракат программаси, ташкилоти, стратегияси ва тактикасининг илмий асосларини ишлаб чиқишга ғоят буюк ҳисса қўшди, қардош коммунистик партияларни мустаҳкамлашда бевосита қатнашди, большевистик партиянинг буюк тажрибасини улар билан ўртоқлашди, бутун дунё коммунистларини революцион ишчилар ҳаракатининг халқаро бирлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, оммо билан алоқани доимо кенгайтириб боришга даъват этди.

Ҳозирги замон ревизионистлари ленинизм таълимотининг халқаро революцион руҳини, интернационал моҳиятини инкор этишга уринадилар. Ленинизм мухолифлари уни фақат «русларга тегишли» деб даъво қиладилар. Бошқалари эса, СССРнинг социалистик тараққиёт йўли — тамоман «Европага тегишли» ҳодисадир, бинобарин ленинизм Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларига мос эмас, деб тушунтирадилар.

Ленинизм фақатгина «русларга тегишли», ёки «Европага хос» ҳодиса бўлмай у жаҳон ижтимоий тараққиётининг объектив талабларини ифода қилувчи илмий назария, капитализмнинг энг юқори босқичи империализм даврининг марксизми сифатида вужудга келди.

Улуғ ленинизм таълимотининг интернационал характери нимада?

XX аср бошларида жаҳон империализмининг ҳалқаси Россияда узилди. Россиядаги уч революция, айниқса инсоният тарихида социализм жамиятининг қарор топиш даврини очган Улуғ Октябрь революцияси кишилик ижтимоий тараққиётининг боришига қудратли таъсир қилди.

Октябрь революцияси оламшумул ғалабасининг ўзи, шунингдек, СССРда социализм қурилишининг тажрибалари ленинизмнинг интернационал характерини янада чуқурроқ очиб беради. Маълумки, чор самодержавиеси даврида Россияда хилма-хил социал-иқтисодий уқладлар ҳукм сурар эди. Бу беполён ерда капиталистик индустриянинг марказлари, шаклланган ишчилар синфи, қишлоқларда ярим феодал помещиклик системаси, Ўрта Осиёда эса мустамлака ва ярим мустамлака режими, Узоқ Шимолда қарийб ибтидоий қолоқлик, хулласи ғоят турли-туман мамлакатлар учун хос бўлган турмуш уклади ва шароити мавжуд эди. Большевиклар партиясининг амалий фаолияти давомида иқтисодий жиҳатдан илгарилаб кетган районларда, шунингдек ғоят қолоқ ўлкаларда турмуш тақозо қилган вазифаларни усталик билан ҳал қилишдаги бой тажриба ленинизмда ўз ифодасини топди.

Яна шуни алоҳида қайд қилиб ўтмоқ лозимки, Россия ўз аҳволига кўра Ғарбдаги тараққий топган капиталистик мамлакатларга ҳам, Шарқдаги мустамлака, ярим мустамлака ва қарам мамлакатларга ҳам яқин бўлганлиги учун Россия ишчилар ҳаракати, бир томондан, муқаррар равишда Ғарбий Европа революцион ишчилар ҳаракати билан, иккинчи томондан, мустамлака халқларининг миллий озодлик ҳаракати билан чамбарчас туташиб кетган. Шунинг учун ҳам ленинизм фақат Россия ишчилар ҳаракатининг эмас, балки жаҳон ишчилар ҳаракатининг, шунингдек мустамлакачиликка қарши миллий озодлик ҳаракати тажрибасининг умумлашишини ўзида мужассамлаштиради.

В. И. Ленин халқаро революцион ҳаракат назарияси ва тактикасини Маркс ва Энгельс таълимотига таянган ҳолда ривожлантирди ва янги даврнинг тақозо қилган илмий хулосалари билан бойитди. Шунинг учун ҳам ленинизм янги тарихий даврнинг марксизмидир, ҳозирги замон халқаро коммунистик ҳаракатнинг ғоявий-назарий қуролидир.

В. И. Ленин миллий масала ҳақидаги марксистик назарияни империализм даврига татбиқ этди ва уни атрофлича ишлаб чиқди. Бу даврда меҳнат билан капитал, пролетариат билан буржуазия ўртасидаги, шунингдек тараққий қилган йирик капиталистик мамлакатлар ўртасида ўзаро қарама-қаршиликларнинг ғоят кучайишини, империалистик давлатлар билан қарам, мустамлака мазлум халқлар ўртасидаги зиддиятлар жуда авж олиб кетишини очиб ташлади.

ЮКСАК МУКОФОТЛАРГА НОМЗОДЛАР

Абу Райҳон Бируний номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари комитетидан

Фан ва техника соҳасида Абу Райҳон Бируний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети маълум қиладики, қуйидаги асарлар 1970 йилги мукофотларни олиш учун конкурсда қатнашишга тақдим этилди:

1. **С. А. Азимов, Ш. Абдужамилов, Е. В. Бетер, У. Ғ. Ғуломов, В. М. Чудаков.** «Пиондларнинг дифракцион когерент генерацияси» (ишлар туркуми). Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ядро физикаси институти тақдим этган.

2. **Т. Н. Қори Ниёзов.** «Математик анализнинг асосий курси» (уч қисмдан иборат, ўзбек тилида). Тошкент политехника институти ва Низомий номидаги педагогика институти тақдим этган.

3. **Р. Б. Аҳмедов, К. Шокиров, Д. М. Аҳмедов. И. Х. Зиёев, А. М. Панов, Н. В. Успенский.** «Иссиқлик электр станцияларининг кучли энергетика блоклари ва СССР бинокорлик материаллари саноатининг юқори унумли айланувчи печлари учун янги конструкциядаги иситиш қурилмаларини ишлаб чиқиш, саноатда ўзлаштириб, кенг жорий этиш». Ўрта Осиё табиий газ илмий-тадқиқот институти тақдим этган.

4. **Ш. Акмалхонов, А. П. Безверхов, К. Зокров, С. С. Сандгозиев, В. Н. Чмихалов, А. И. Чудная.** «Тандем — УзНИИЖ» автоматлаштирилган соғиш ускунасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш». Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти тақдим этган.

5. **Д. Л. Кельберт.** «Пахта тозалаш саноатида меҳнатни муҳофаза қилиш проблемалари» (монография). Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти тақдим этган.

6. **М. З. Ҳамидхонов, С. З. Усмонов, Н. М. Усмонхўжаев, М. А. Ҳусанов, К. Мўминов, А. А. Ҳошимов.** «Винтелли преобразователлар манба бўлиб хизмат қиладиган. улар автомат равишда бошқарадиган частотали созланувчи электроприводларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш». Ўзбекистон энергетика ва автоматика илмий-тадқиқот институти тақдим этган.

7. **К. С. Аҳмедов, С. А. Зайниддинов, В. М. Беглов, В. Қ. Қодиров, М. К. Туробов, У. Ж. Мамажонов.** «К-4 препаратини физик-химиявий текшириш ва уни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон пармалаш техникасида жорий этиш». Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия институти тақдим этган.

8. **Х. М. Абдуллаев** (марҳум). «Металлогения — фойдали қазилма конларини қидириш ва ишлаш геологик асоси». Тошкент политехника институти тақдим этган.

9. **С. Н. Назаров, Ғ. Олимжонов, В. П. Акулов, А. А. Акромов, М. Р. Иброҳимов.** «Нефть қатламларидан нефть чиқаришни кўпайтириш мақсадида юқори босимли газ тушириш». Тошкент политехника институти ва «Ўзбекнефть» бирлашмаси тақдим этган.

10. **И. Х. Ҳамробоев.** «Магматик комплексларда маъдан мавжудлигининг петрологик-геохимик мезонлари» (монография). Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. М. Абдуллаев номидаги география ва геофизика институти тақдим этган.

11. **Н. М. Мажидов.** «Орқа мия чуқуридаги фиброзланувчи хроник лептаменингит (арахноидит)» (монография). Тошкент Давлат медицина институти тақдим этган.

12. **Р. И. Худойбердиев, Х. З. Зоҳидов, Н. К. Аҳмедов, Р. А. Алявий.** «Одам анатомияси» (икки томли дарслик). Тошкент Давлат медицина институти тақдим этган.

13. **А. Ю. Юнусов.** «Иссиқ иқлимда инсон ва ҳайвонлар физиологияси» проблемаси бўйича қилинган ишлар мажмуаси («Иссиқ иқлимда инсон ва ҳайвонлар қони физиологияси», 1961 йил ва «Сув—туз алмашинуви ва юқори ҳарорат», 1969 йил) Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг физиология бўлими тақдим этган.

14. **С. Аъзамхўжаев, Б. Я. Гарцман, И. И. Каримов, К. П. Кузнецов, В. Г. Макотро, П. М. Нескубо.** «Кўплаб хлорелла етиштириш учун очиқ типдаги реактор». Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қўзғатилган «Главзаготскотоотторм» тақдим этган.

15. **С. Г. Головченко, А. Расулов, З. Шамсиддинов, К. Жонзоқов, Р. Чалбаш, К. Комилов.** «Ўзбекистон саҳроларидаги чорвачиликда сугорилмасдан озиқ етиштиришда изен танлаш ва жорий этиш формалари». Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ботаника институти, Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти тақдим этган.

16. **И. Н. Дьячков, В. И. Стояновская, Р. Т. Письменная** (марҳум), **Ф. Шарофиддинов, М. А. Кошевой, П. А. Фаденчев.** «Қорақўлчиликда наслчилик ишини яратиш ва жорий этиш». Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институти тақдим этган.

17. **Т. З. Зоҳидов** «Зоология энциклопедияси» (ўзбек тилида). 3 томли. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг зоология ва паразитология институти тақдим этган.

18. **И. Х. Эргашев, М. А. Риш, Р. А. Даминов, Ш М. Ҳолматов, К. А. Асқаров, Д. В. Абдуллаев.** «Фенотиозин-мисс купоросига туз қўшиб озиқлайтиришни қўлланиш йўли билан қўйларнинг гельминтозларини оммавий химиявий профилактика қилиш методини ишлаб чиқиш ва жорий этиш». А. Навоий номли Самарқанд Давлат университети, В. В. Куйбишев номли Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти тақдим этган.

19. **В. Г. Макотро, П. П. Малишев** (марҳум), **И. Г. Неъматуллин, М. Рўзиев, Д. Х. Холбоев, В. Г. Шиманов.** «Қорақўлчани саноат йўли билан ишлаб чиқариш усули». Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қўзғатилган «Главзаготскотоотторм» тақдим этган.

20. **А. А. Раҳимов.** «Қорақўлчилик» (дарслик), ўзбек тилида. В. В. Куйбишев номли Самарқанд қишлоқ хўжалик институти тақдим этган.

21. **В. А. Струпников, Л. М. Ғуломова.** «Пилла қуртининг тўқ уруғларини етиштириш», Ўрта Осиё пиллачилик илмий-тадқиқот институти тақдим этган.

22. **В. В. Яхонтов** (марҳум). «Ҳашаротлар экологияси» (монография). Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг зоология ва паразитология институти тақдим этган.

23. **А. М. Аминов, Н. Ж. Жабборов, М. Х. Зайниддинов, К. Н. Попадюк, И. С. Реут, А. У. Ўлмасов.** «Совет Ўзбекистонининг иқтисодий тарихи». (1917—1965 йиллар)». Тошкент халқ хўжалиги институти тақдим этган.

24. **А. Г. Кагоновский** (марҳум), **И. И. Раскин, А. Б. Худковский, Ғ. Ф. Жабборов.** «Пахта тозалаш саноати корхоналари экономикаси, уни ташкил этиш ва планлаштириш» (рус ва ўзбек тилларида ўқув қўлланмалари). Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти тақдим этган.

25. **Ш. З. Уразаев.** «В. И. Ленин ва Туркистонда совет давлат қурилиши» (монография). В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети тақдим этган.

26. **И. О. Султонов, Ҳ. И. Ёқубов, Ю. Султонов, О. Шарофиддинов, А. Х. Ҳайитметов, З. С. Кедрина** «Ўзбек совет адабиёти тарихи». Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институти тақдим этган.

27. **С. Камолов.** «Қорақалпоқлар XVIII—XIX асрларда» (монография). Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали Н. Д. Довқораев номли тарих, тил ва адабиёт институти тақдим этган.

* * *

Комитет жамоат ташкилотлари, муассасалар ва меҳнаткашлар коллективларидан ана шу асарларни ва авторлар коллективларининг составини муҳокама этишда иштирок қилишни ва ўз мулоҳаза ҳамда таклифларини қуйидаги адресга юборишни сўрайди: Тошкент шаҳри — ГСП, Гоголь кўчаси, 70-уй, 7-хона.

Абу Райҳон Бируний номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотлари комитети.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

КЎРМАГАНМИШ

«Коммунизм» колхози устахонасига киришимиз биланоқ, правление раиси С. Ёқубовни тер боса бошлади.

— Сизга нима бўлди, Саид ака? — сўрадик ундан.

— Кечирасизлар, мен бу машинани кўрмабман. Кўрганимда аллақачонлар тузаттириб қўйган бўлардим, — деди у ағдарилиб ётган терим агрегатига ишора қилиб.

Бу ерда тўртта пахта териш агрегати заанг босиб ётибди. Бостирмадан сал нарида 17 та агрегат деталлари тарқоқ ҳолда турибди. Устахонада эса иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 21 та сеялкадан 9 таси, 12 чизелдан 6 таси чала-чулпа ремонт қилинган. Терим агрегатлари кузда далада қандай келтирилган бўлса, шундайлигича турибди. Бошқа техникани ремонт қилиш ҳам пайсалга солинмоқда.

Колхоз раҳбарларининг айтишига қараганда, техника ремонтига 12 киши ажратилган. Бироқ, Собир Абдураҳимов, Оллоёр Абдукаримов ва Яраш Каримовлардан бошқа ҳеч ким кўринмайди.

Колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш планини аранг 80 процентга етказган эди. Бу йилги вазда катта: 1110 гектар майдонинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил топширишмоқчи. Агар техникага шу тариқа муносабатда бўлинса, ишлар қандай бўларкин?

Карл Маркс номли колхоз раҳбарлари кўп гапиришни яхши кўрадиганга ўхшайдилар. Улардан техника ремонти, пахта етиштиришнинг аҳволи тўғрисида сўраб қолгудек бўлсангиз:

— Бу йил кўрамиз! — дейишади.

Бу гапда жон бор. Ўтган йили пахта топшириш плани бажарилмади. Чунки, техникадан, ўгитдан самарали фойдаланилмади. Бундан тегишли хулоса чиқариб олиниши зарур эди. Афсуски, шундай бўлмаётир. 28 та ҳайдов тракторидан 17 таси, 20 та сеялкадан 5 таси, 32 та плугдан 15 таси ремонт қилинган, колос. Бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонти ҳам асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда.

— Ремонтчилар қани?

Бу саволимизга колхоз раиси У. Худойберганов ҳам, инженер С. Самандаров ҳам, устахона мудири О. Отаниёзов ҳам жавоб бера олмади. Аҳвол ўз-ўзидан маълум: ремонтчилар учун шароит яратилмаган, иш устидан назорат ўрнатилмаган. Шундай бўлганидан кейин одамлар истаса ишга келади, истамаса йўқ. Ремонтга ажратилган 11 кишидан фақат 3 киши ишлаяпти.

Мазкур колхозларда техникани қўлам дала ишларига тайёрлаш ана шундай ачинарли аҳволда. Бу хўжаликларда ремонт тўғрисида узундан-узоқ гапиришади-ю, амалда эса ишнинг кетиши билан етарли қизиқишмайди.

Ҳазорасп район раҳбарлари техника ремонти устидан яхши назорат ўрнаттанларида эди, бундай камчиликлар содир бўлмасди, албатта.

А. ҚУТИМОВ,
Ҳазорасп район қишлоқ хўжалик бошқармасининг техника назоратчиси.

О. ҚОСИМОВ,
С. ЖУМАНИЕЗОВ,
«Коммунизм байроғи» газетасининг ходимлари.

БУГУН ҚАРШИ ЧЎЛИДА

Фотоловҳалар

БЎСТОН ЯРАТАЁТГАНЛАР

Сув, дейди майдаёқ қовжираб майса. Сув, дейди самода қанот ёйган бургут. Сув, сўрар оқунинг ғамгин кўзлари. Сув кутар тош бўлиб қотган тошбақа.

Ҳа, бу бепоён Қарши даштининг манзараси. Икки миллион гектарли кафтдек текис чўл. Қуёши сахий: саратонда тухум қўйсангиз тафтида пишади. Тупроғи унумдор: минг-минг йиллар қўй қийидан тўйиб, туёқлар остида қотган. Ойнадай текис: шамоллар «ишлаган». Сув керак, кўп, дарё-дарё сув керак.

— Сувми, мана биз келтирамиздa, — деб билагини шимарди «Каршистрой» коллективи.

— Қаердан келтирасиз? — сўради чўл.

— Амударёдан.

— Йўқ, — бош чайқади чўл. — Мен баландда. Сув юқорига оқмайди.

— Оқади! Олтита насос қурамиз.

— Унинг суви томоғимга юқ ҳам бўлмайди.

Чўлда экскаватор, бульдозер, скрейперлар наъра тортди. Амударё бўйидаги Қизилоёқ қишлоғидан Каршигача асфальт йўл чўзилди. Кечагина хувиллаб ётган даштда Дўстлик, Талимаржон, Қизилоёқ шаҳарчалари қад кўтарди. Еғоч ҳужра, чодир, вагон-уйчалар ўрнида сутдек оқ уйлар қурилди. Қувурлардан зилол сув, газ-олов оқиб борди. Қум барханлари устида гул ўсди, биринчи ниҳол курток ёйди... Бу даштнинг инсон қудрати олдида тиз чўккани, таслим бўлгани эди. Кишилар биёбонда бўстон яратяптилар. Аму суви 132 метр баландга кўтарилиб, 150 километр узунликдаги Қарши машина каналидан Талимаржон сув омборига қуйилади. Сунъий дарёдан секундига 200 кубометр сув оқади. Юқоридаги суратда ишчи — Антонина Шевченко. У Красноярск ГЭСи қурганлар қаторида бўлган. Чорвоқ гидроузели қурилишида ишлаган. Ҳозир Қарши насос станциясини бунёд этишда кранчи бўлиб ишлаяпти.

Каналнинг 60 километри фойдаланишга топширишга тахт қилиб қўйилди. Бунда номлари «Ленинча шавкатли меҳнат китобига ёзилган илғор механизаторлар Зиннур Камалиев, Николай Литвиненко, Корней Лаурэр, Тўхта Қўлдошев, Владимир Бабакларнинг ҳиссаси катта. Улар ҳозир 1971 йил ҳисобига ишлаяпти. В. Лейзерович ва Р. Шияпов олган ўртадаги суратда иккинчи насос станцияси акс этган. Пастдаги суратда —пўлат туннел. Сув шу ердан насос станцияларига ўтади.

«Додлама, додлама дод саси келди» деб қулларнинг ноласи эшитилган чўлдан бугун ҳаёт нафаси, янги бўстон нафаси уфуриб турибди.

СУСТКАШЛИК

Қиш қуруқ келди. Ёғингарчилик кам бўлди. Кунлар илиб кетди. Ўлкамизда қўклам нафаси уфуряпти. Омилкор деҳқонлар қулай фурсатдан фойдаланиб, кузги-қишки ишларни бирёқлик қилиб қўйдилар.

Лекин, Андижон областидаги Ленин районида аҳвол бошқача. Дала ишлари секин кўчмоқда. Компост тайёрлаш суръатлари паст. Бу соҳадаги план 24 февралгача атиги 49 процент бажарилди. Графикка мувофиқ далага 350 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилиши керак эди. Амалда 168,5 минг тонна ғўғ тайёрланди. Бу ишда 700 ўрнига 453 киши қатнашмоқда. Компост тайёрлашда «Коммунизм», «Победа», Карл Маркс номли колхозлар айниқса орқада қоляпти.

Суғориш тармоқларини тартибга солиш кечиктириляпти. Техника ёрдамида 420 минг куб метр ўрнига 364 минг куб метр ариқ-зовурлар тозаланди. 10 та ўрнига 4 та экскаватор ишлаяпти. «Коммунизм», «Победа», Карл Маркс номли колхозларда қўлай шарт-шароитлар бўлишига қарамай, бу иш тамомлангани йўқ.

Район бўйича 7600 гектар ернинг шўри ювилиши керак. Ҳозиргача 5 минг гектар ернинг шўри ювилди. Бу район техникани тайёрлашда ҳам орқада. Ҳайдов ва чопиқ тракторларидан 101 таси тайёрланмаган.

Ленин район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик бошқармаси, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари дала ишларини кучайтириш чораларини кўришлари керак.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбиридан.

Пролетариатнинг синфий курашини миллий зулмни йўқотиш учун олиб борилаётган кураш билан, социализм учун курашни мазлум халқларнинг антиимпериалистик озодлик кураши билан бирлаштириш ғоясини асослаб бериш В. И. Ленин зиммасига тушди. Улуғ доҳийнинг бу хизмати революция ҳақидаги марксистик назарияда янги принципиал хулоса эди. «Социалистик революция,—деган эди В. И. Ленин,—фақат ва асосан ҳар бир мамлакатдаги революцион пролетариатнинг ўз буржуазиясига қарши олиб борадиган курашидангина иборат бўлмайди,—йўқ, бу революция империализм эзиб келаётган барча мустамлакалар ва мамлакатларнинг, қарам мамлакатларнинг халқарс империализмга қарши олиб борадиган курашидан иборат бўлади». (В. И. Ленин, Асарлар, 30-том, 160-бет).

Ҳозирги замонда халқлар тақдирида юз бераётган социал ўзгаришлар, ижтимоий тараққиётнинг социализм йўлидаги ютуқлари ленинизм ҳаётбахш кучининг, жамиятни революцион тарзда қайта қуришга қудратли таъсирининг яққол намунасидир. 1969 йили Москвада бўлиб ўтган Коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгаши «В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги тўғрисида» махсус Мурожаат қабул қилди ва унда ленинизмнинг интернационал аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Мурожаатда айтилади, «Бир группа мамлакатларда социалистик революция ғалаба қилди, жаҳон социалистик системаси вужудга келди, капитал мамлакатларида ишчилар ҳаракати зафарларга эришди, собиқ мустамлака ва ярим мустамлакаларнинг халқлари мустақил ижтимоий-сиёсий фаолият майдонига чиқдилар, антиимпериалистик кураш мисли кўрилмаган даражада юксалди—мана шуларнинг ҳаммаси ҳозирги даврнинг туб эҳтиёжларини ифодаловчи ленинизмнинг тарихан ҳақ эканлигини исботлаб турибди». Шунинг учун ҳам ҳозирги шароитда В. И. Ленининг ўлмас ғояларига амал қилувчи, илмий коммунизм назариясининг софлигини Лениндек ҳимоя қилувчиларгина ҳақиқий, изчил марксист бўлиши мумкин.

В. И. Ленин коммунистик ҳаракатнинг муайян даврларида «буржуа тактикасининг эгри-бугри йўл билан бориши ишчилар ҳаракатида ревизионизмнинг кучайишига сабаб бўлишини» ҳамиша унутмасликка даъват қиларди (Асарлар, 16-том, 380-бет.). Бу даврдаги майда буржуа «сўл» авантюризм ва сектантларга хос бўлган турли оқимлар, В. И. Ленин иборати билан айтганда, «гапи жиҳатидан жуда революцион, аммо чинакам назарияси ҳамда революцион синфга муносабати жиҳатидан мутлақо ғайри революцион» бўладилар (Асарлар, 6-том, 303-бет).

Ленининг ғоявий мероси буржуазияга қарши, оппортунизмнинг барча турларига қарши курашда коммунистик ва ишчи партиялар қўлида синалган қуролдир. Империалистлар коммунистик ва ишчи партияларни таъқиб қилмоқдалар, уларнинг қаторларини бузишга, ғоявий жиҳатдан низо чиқаришга, уларни бир-бирларидан ажратиб ташлашга, социалистик мамлакатларни бир-бирларига қарама-қарши қўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўлда ҳар қандай воситаларни, сиёсий, хўжалик, ҳарбий имкониятларни сафарбар қилмоқдалар, марксизмга ёт, ҳар қандай оппортунистик, ревизионистик, миллатчилик, антиленинча оқимларни ишга солмоқдалар. Уларнинг кўзлаган мақсади ленинизмга раҳна солиш, СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга бўҳтон қилиш, меҳнаткашларни капитализмга қарши курашдан четлатишдир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, жаҳондаги коммунистик, ишчи партиялар Ленининг ғоявий-назарий меросига таяниб иш олиб бормоқдалар, ҳозирги замон буржуазия идеологиясига қарши, революцион назарияни ўнг ва «сўл» сохталаштиришга қарши муросасиз курашмоқдалар.

Марксизм-ленинизм бир бутун, мукаммал улуғ интернационал таълимотдир. Марксизм-ленинизмнинг бирлигига путур етказиш, уни турли миллий ёки маҳаллий «вариантларга» сунъий равишда бўлиш ҳамиша ишчилар синфининг революцион таълимоти принципларини ревизия қилишга олиб келади. Марксизм-ленинизм дунёга энг илғор қараш бўлиб, ўз табиатига кўра яхлит таълимотдир. у барча коммунистларнинг, барча революцион ишчиларнинг, барча меҳнаткашларнинг мулкидир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бир қанча мамлакатларда капиталистик ижтимоий тузум парчалаб ташланди. Асрлар давомида эзилиб келган меҳнаткаш омма янги порлоқ ҳаёт йўлига кирди. Ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи кучига айланган тарихий фактор—жаҳон социалистик системаси вужудга келди. Социалистик мамлакатларнинг экономикаси муваффақиятли ривожланмоқда, ижтимоий муносабатлар такомиллаштирилмоқда, меҳнаткашларнинг турмуши яхшиланмоқда. Социалистик мамлакатларнинг мудофаа қудрати кун сайин мустаҳкамланмоқда, уларнинг қардошларча ҳамдўстлиги кенгаймоқда ҳамда социалистик лагерь мамлакатларининг дунёдаги революцион кучлар билан иттифоқи тобора яқинлашмоқда. Социалистик давлатларнинг обрўйи ва нуфузи, уларнинг халқаро майдондаги роли муттасил ўсиб бормоқда. Социализм дунёси кун сайин кенгаймоқда, капитализм дунёси эса торайиб бормоқда.

В. И. Ленин ҳозирги дунё қиёфасини «икки усул ўртасидаги, икки формация ўртасидаги, икки хўжалик ўртасидаги—коммунистик хўжалик билан капиталистик хўжалик ўртасидаги» (Асарлар, 31-том, 483-бет) кураш белгилаб бермоқда, деб айтган эди. Коммунистларнинг халқаро анжумани катнашчилари ҳозирги биз яшаб турган давр жаҳон социалистик системаси билан жаҳон капиталистик системаси ўртасидаги муросасиз кураш даври эканлигини қайд қилдилар. Тарихий кенгаш империализмнинг агрессивлиги ошганлиги ва у социализмга ҳамда халқларнинг озодлик ҳаракатига қарши қуроллари, сиёсий, иқтисодий ва идеологик кураш олиб бориш учун ғоят катта ресурсларни сафарбар этаётганлигига қарамай, жаҳон миқёсидаги бу курашда кучлар нисбати социализм, тинчлик, миллий озодлик учун курашаётганлар фойдасига ўзгариб бораётганлигини қайд қилди.

Инсоният тарихининг тараққиёти кунданкунга ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Ҳозирги ижтимоий тараққиётдаги уч асосий куч: жаҳон социализм системаси, капиталистик мамлакатлардаги ишчилар ҳаракати, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларининг миллий озодлик кураши бир-бирига қўшилиб, империализм дунёсини ларзага солмоқда. Шунинг учун ҳам кенгаш уқтириб ўтганидек, «инсоният тараққиётининг бош йўлини жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар синфи, барча революцион кучлар белгилаб беради».

Ҳозирги замон империализми гарчи ўзининг эски қолатини, дунёда мутлақ ҳокимлик қилиш мавқеини йўқотган бўлсада, у ҳали кишилар бошига катта кулфатлар келтиришга қодир. Шунинг учун ҳам жаҳондаги ишчилар синфи, меҳнаткаш омма, мазлум халқлар ўзларининг энг революцион, ўюшган, онгли отрядлари бўлмиш Коммунистик партиялар раҳбарлигида бир ёқадан бош чиқариб, империализмга қарши курашишлари лозим. Буни ҳозирги даврнинг тарихий тараққиёти талаб қилади. «Капитал халқаро бир кучдир,—деган эди В. И. Ленин,—бу кучни енгмоқ учун ишчиларнинг халқаро иттифоқи, уларнинг халқаро биродарлиги зарур» (Асарлар, 30-том, 315-бет).

Замонамизнинг буюк интернационал таълимоти ленинизм борган сари миллион-миллион кишиларнинг онги ва қалбига сингиб, ижтимоий тараққиётда буюк моддий кучга айланмоқда. Ленинизм капитализмни емиришда, жаҳонда энг адолатли коммунистик жамият қуришда давримизнинг зафарли байроғидир.

Ғ. НАҲИМОВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

РЕМОНТ ЖАДАЛЛАШДИ

Газетанинг шу йил 12 февраль сонида босилган «Жонингиз ачимайдими?» сарлавҳали ташвишли сигналда Гурлан районидаги «Узсельхозтехника» бирлашмаларида қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва қўнлам-дала ишларига тайёрлаш чўзиб юборилаётганлиги, «Правда» ва «Коммунизм» колхозларида эса техникани сақлашга эътибор берилмаётганлиги танқид қилинган эди.

Гурлан район партия комитетининг секретари Р. Иброҳимованинг редакцияга хабар қилишича, ташвишли сигналда келтирилган фактлар текшириш вақтида тўла тасдиқланди. Район халқ контроли комитети ўз мажлисида техника ремонтининг аҳволи масаласини муҳокама қилди. «Узсельхозтехника» Гурлан ва Янгибозор бирлашмаларининг раҳбарлари К. Ражаббоев, Н. Жумамуродов, «Правда» ва «Коммунизм» колхозларининг инженерлари Ж. Бобожонов ва Лю Дон Су ўртоқлар техника ремонтига масъулиятсизлик билан қараганликлари учун қаттиқ огоҳлантиришди. Районда техника ремонтини тезлатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланиб, амалга ошира бошланди.

«БАҲОРГА ШАЙМИСИЗ?»

Навоий райони хўжаликларидаги ҳайдов ва чопиқ тракторларининг кўпчилик қисми ремонтдан чиқарилган эмас. «Узсельхозтехника» район бирлашмаси раҳбарларининг фаолиятсизлиги натижасида хўжаликлардан келтирилган тракторлар, моторлар ва бошқа агрегатлар вақтида ремонт қилинмайди. ишнинг сифати паст, — деб ёзилади «Совет Ўзбекистони» газетасининг 5 февраль сонида «Баҳорга шаймисиз?» сарлавҳаси остида берилган мақолада.

Мақола юзасидан Навоий район партия комитети редакцияга қуйидагилари хабар қилди:

Газетанинг «Баҳорга шаймисиз?» сарлавҳали мақоласи Навоий район партия комитетининг кенгайтирилган бюросида ҳамма колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари ва бош инженерлари иштирокида муҳокама қилинди. Келтирилган фактлар ва рақамлар тўлиқича тасдиқланди.

Техника ремонтини чўзиб юборганлиги ва тезлаштириш учун етарли чора-тадбир кўрмагани учун «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Турди Олимовга партиявий чора кўрилди. «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бош инженери Тўхта Фармонов вазифасидан четлаштирилди.

ТАСС БАЁНОТИ

Жанубий Родезияда амалда Англиянинг ҳукмрон доиралари вужудга келтирган Смит бошчилигидаги озчилик оқ танлиларнинг ирқчи режими Африка халқларига қарши яна бир жиноят қилди: Жанубий Родезия халқи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгаши мамлакатда ҳокимиятни аҳолининг 5 процентини ташкил этувчи озчилик оқ танлиларнинг туб аҳоли қўлига топшириш тўғрисида кўп йиллардан бери қилаётган талабларига қарамай, 2 март куни Солсбери шаҳрида Жанубий Родезия «Республика» деб эълон қилиниб шармандагарчилик томошаси ўйнанди. Бу шармандагарчилик ирқчилар режими Жанубий Родезияда мустамлака тартиботини абадийлаштириш мақсадида қилиб келаётган қонунга хилоф ҳаракатлар туркумининг мантиқий якуни бўлди.

Смитнинг қонунга хилоф режими Жанубий Родезияда Жанубий Африка Республикасидаги сингари тартиботга ўхшаш ноинсоний ирқий эзиш системасини аллақачон ўрнатган эди.

Жанубий Родезияда африкалик аҳолини ўз мамлакатида ўзи хўжайин бўлиш ҳуқуқидан маҳрум этишга қаратилган бир қанча камситувчи қонунлар қабул қилинган, полиция зўравонлиги ва террори, Зимбабве халқи ўз тақдирини ўзи белгилаш қонуний ҳуқуқи ва чинакам мустақилликни амалга ошириши учун курашаётган ватанпарварлардан раҳм-шафқатсиз ўч олиш режими ўрнатилгандир. БМТ Бош Ассамблеяси Смит режимининг бутун снёсатини «инсониятга қарши жиноят» деб таърифлаши учун етарли асос бор эди.

Англиянинг расмий доиралари рағбатлантираётган Жанубий Родезия ирқчилари 1969 йилда умумхалқ овозига қўйиш—референдум комедиясини ўйнашди ва мамлакатнинг 5 миллионли туб африкалик аҳолисининг чинакам қуллик, ҳуқуқсиз мавқеини абадийлаштириш ҳамда ирқий камситиш, сегрегация ва апартеид снёсатини мустаҳкамлашга қаратилган янги «конституция»ни қабул қилишди. Ҳолбуки, БМТ қарорларига мувофиқ, Англия Смитнинг қонунга хилоф режимини тугатмоқ учун ҳамма зарур чораларни кўриши, жумладан, куч ишлатиши ҳам керак эди.

Англия ҳукумати Смит режимини тугатиш учун иқтисодий ва молиявий санкциялар кифоя қилувчи чорадир, деб кўзбўямачилик қилганлиги ҳозир ҳаммага аён бўлиб қолди. Ана шу шароитларда Англиянинг Жанубий Родезия халқига ҳокимият топширилишини таъминламаган ва Смитнинг қонунга хилоф режимини тугатиш учун қатъий чоралар кўрмаган снёсати мустамлакачилар ўз ҳукмронлигини бошқача методлар билан сақлаб қолишга уринишининг намунаси бўлиб чиқди.

Жанубий Родезияда бир қовуч ирқчилик тарафдорлари ғарбдаги баъзи мамлакатларнинг снёсий ҳомийлигидан ташқари, молиявий, иқтисодий ва ҳарбий мададига суянмаса, ўз миллий озодлиги учун Зимбабве халқи олиб бораётган кураш қисувига бардош беролмаслиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Империалистик монополиялар Смитнинг ирқчи режимини мамлакатнинг туб аҳолиси ҳақ-ҳуқуқи бўлмиш табиий бойликларини беҳад талашга қаратилган манфаатларининг ҳимоячиси деб билиб, ана шу ирқчи режим билан боғлаб келган яқин алоқаларини узишни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Шу билан монополиялар шундайин ҳам чекланган санкциялар таъсирини чиппакка чиқаришди, Родезия ирқчилари билан ҳар қандай муносабатларни тўхтатиш тўғрисда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кўпдан-кўп чакиришларини назар-писанд этмадилар.

Смит тўдасининг хатти-ҳаракатлари Африка қитъасининг жанубини ирқчилик ва янги мустамлакачилик суянчиғига айлантиришни мақсад қилиб қўйган фитнанинг таркибий бир қисмидир. Африка диёрида ўрнашиб олган Жанубий Африка Республикаси ва Жанубий Родезия мустамлакаларига мустақиллик беришдан қаттиқ бош тортаётган Португалия ҳукумати билан якин ҳарбий-снёсий блокда турибди. Претория, Солсбери ва Лиссабоннинг ошкора иттифоқи ҳамон мустамлакачилар жабр-ситамини тортаётган Африка халқларининг миллий озодлик ҳаракати йўлидаги ғов бўлишидан ташқари, ўз найрасини Африкадаги барча давлатлар мустақиллиги ва суверенитетига қарши ҳам қаратгандир.

Африка халқлари Жанубий Родезияда бўлиб ўтган ҳангомалар муносабати билан янги мустамлакачиларнинг янги найрангига, ирқчи режимлар қитъадаги барча мамлакатларга келтирадиган хавф-хатарга тўғри баҳо бермоқда. Ирқчилар ва мустамлакачилар Африка халқларига даҳдага солиб турган пайтда Африка мамлакатлари, барча тараққиёт ва тинчлик кучларининг ҳаракат бирлиги шармандали ирқчилик ва мустамлакачилик системасига барҳам бермоқ учун бир ёқадан бош чиқариб, ирода ва қатъият кўрсатишлари алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

ТАСС шуни билдиришга вакил қилинганки, Совет Иттифоқи Жанубий Родезиядаги Смитнинг ирқчи режими билан унинг ҳомийлари ҳаракатларини қатъиян қоралайди, бу режимни танимайди, чунки унинг ҳамма ҳаракатлари Зимбабве халқи усти-дан озчилик оқ танлилар ҳукмронлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Совет Иттифоқи Жанубий Родезияда ирқчилик режимига барҳам беришга қаратилган чоралар кўрилишини изчиллик билан ёқлайверади. У миллий мустақиллик ва озодлик учун одил кураш олиб бораётган Зимбабве халқи билан тўла бирдам эканлигини изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — **Тошкент кўрсатади.**

Рус тилида: 18.00 — Телеянгиликлар. 18.15 — Болалар учун кўрсатув. 18.55 — «Дадил қадам билан» (телефильм).

Ўзбек тилида: 19.50 — Ўн минут музика. 20.00 — Телеянгиликлар. 20.15 — Ленин мукофоти лауреатлари Максим Рильский. 20.40 — Юбилей йилининг янги марралари. 21.00 — Киргизистонда хизмат кўрсатган артист Неъматов куйлайди. 21.40 — Кинофильм. 22.00 — «ҚАСОС» (бадиий фильмнинг 1 серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — **Тошкент. Ўқув кўрсатувлари.** 20.00 — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — **Тошкент кўрсатувлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 11/III да **Спартак**, 12/III да — **Марварид қидирувчилар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/III да — **Улимдан нучин**, 11/III да — **Олтинчи июль.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 11/III да — **Ёшлиқда берган кўнгил**, 12/III да — **Нурхон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Сувдаги жозибалар»** янги аттракционлар.

КИНО

Гапиравершисин — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

«Мерседес» муаммоси — «ЧАЙКА», «МОСКВА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Учовлон — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз соат 1 ва 3 да). «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч соат 7, 10 ярмда). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч соат 8 да).

Қирқ биринчи йил олмалари (кундуз соат 5 да). Раҳмоса (кеч соат 7, 8 ярмда) — САНЪАТ САРОЙИ.

Севиш тақиқланади — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, 5 ва кеч 9 да).

«ЎЗГЛАВЭЛЕКТРОСНАБСБИТ»-НИНГ РЕСПУБЛИКА БАЗАСИ «ЎЗЭЛЕКТРОНРАДИОПРИБОР» КОНТОРАСИ ДЕБ

ЎЗГАРТИРИЛДИ

Почта реквизитлари: Тошкент шаҳар-57, Уста-Ширин кўчаси, 125-ўй.

Банк реквизитлари: Тошкент шаҳар ҳисоб счёти 352108, соуда счёти 39253108. Давлат банкининг Октябрь район бўлими.

«СПЕЦЭЛЕВАТОРМЕЛЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МОНТАЖ-НАЛАДКА БОШҚАРМАСИГА

Тошкент шаҳрида ва республиканинг бошқа шаҳарларида ишлаш учун

иш юритувчи вазифасига қурувчи-инженерлар (йигма темир-бетон конструкциясини монтаж қилиш тажрибасига эга бўлганлар) **инженер ва техниклар** (ускуналар монтажи технологияси ишлари ва саноат корхоналари электр ускуналари монтажи билан таниш бўлганлар)

КЕРАК

Республиканинг бошқа шаҳарларига ишга олинганларга командировка ва квартира ҳақи тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-48, 2-сельмаш проезди, 27-ўй, телефонлар — 66-12-92, 66-12-88.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар бошқармаси, партия бюроси ва маҳаллий комитети референт Обид Маҳмамович Раҳабова онаси

Ҳайри АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети коллегия комитетининг бўлим мудири Т. Т. Хонхўжаевга онаси

Халпачи ХОНХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзглавводстрой коллегияси партия ва касаба союз ташкилоти Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган ирригатор, Фарғона сув қурилиш трестининг бошқарувчиси З. Г. Ганиевга онаси

Умринисо МИРРАҲИМОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

АРАБ ДЎСТЛАРНИ ТАБРИКЛАБ

Дамашқда «Сурия — СССР» дўстлиги жамияти номига Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозидан табрик телеграммаси юборилди. Колхозчилар Сурия-Араб Республикасидаги 1963 йилги революциянинг йиллиги муносабати билан дўстларга саммий табрикларини изҳор қилдилар.

«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози араб шарқи мамлакатлари билан дўстлик Совет жамияти Ўзбекистон бўлимининг коллектив аъзосидир. Бу ерда шу тарихий сана муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишнинг иштирокчилари суриялик дўстларга янада гуллаб-яшнашни, Исроил агрессорлари устидан тезроқ ғалаба қозонишни истаганликларини билдирдилар. (ЎзТАГ).

ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ПРОТОКОЛ

УЛАН-БАТОР, (ТАСС). 1970—1971 йилларда радиоэшиттириш ва телевидение соҳасида Совет Иттифоқи билан Монголия ўртасида ҳамкорлик қилиш протоколи Улан-Баторда имзоланди.

Протокол жумладан, В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига, фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллигига ва Монголиядаги халқ революцияси ғалабасининг 50 йиллигига бағишланган радио ва телевидение программаларини кенг равишда айирбошлашни кўзда тутади.

ТАРИХИЙ ВОҚЕА

5 мартда Москва, Вашингтон ва Лондонда депозитар мамлакатлар — Совет Иттифоқи ва Қўшма Штатларнинг, шунингдек бошқа бир қанча мамлакатларнинг ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг ратификация қилинган ёрлиқларини сақлаш учун топшириш маросимлари ўтказилди. Жаҳон матбуоти бу воқеага қўпол ялдиллик, умидворлик билан ижобий баҳо берди. Жаҳон матбуотининг халқаро майдондаги воқеалар ҳақида шундай фикрларнинг изҳор қилиниши камдан-кам учрайдиган бир ҳолдир. Бу маросимлар ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома кучга киргалигидан далолат беради. Шу пайтгача салкам 100 давлат бу шартномани имзолади.

СССР, АҚШ ва Буюк Британия пойтахтларида ўтказилган тантанали маросимларга бағишланган бош мақолалар, обзорчиларнинг хабарлари, репортаждар «Хушхабарлар», «Халқлар ва бутун дунёда тинчлик манфаатларини қўлаб», «Инсоннят атом хавфини бартараф қилади» деган сарлавҳалар ва шу сингари сарлавҳалар остида босиб чиқарилмоқда.

Жаҳон матбуотининг фикрлари ядро қуроли каби жуда хатарли ялпи қирғин воситасининг бундан буён тарқалишига имкон бермайдиган муайян говни вужудга келтирадиган воқеа инсоннят учун реал аҳамиятга эга эканлигини акс эттиради. Шартномадаги асосий қоидаларга мувофиқ, шартномада қатнашувчи ва ядро қуролига эга бўлган давлатлар бу қуролни бирор давлатга хоҳ билвосита бермаслик ва уни ишлаб чиқаришда ёки сотиб олишда ёрдам қилмаслик мажбуриятини оладилар.

Совет кишилари ана шу тарихий шартноманинг кучга киргалигини табриклаб, ҳалқи суратда фахрланмоқдалар. Маълумки, бу шартнома Совет Иттифоқининг ташаббуси билан ишлаб чиқилди.

Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома ядро урушининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган проблемаларнинг ҳаммасини батамом ҳал этмайди, албатта. Жумладан, шартнома ядро қуролларининг ўзини тугатмайди. Аммо шу нарса аёнки, шартноманинг кучга кириши ҳозирги замоннинг ҳал этилмаган кўп масалаларини ҳал этиш учун қулай вазият вужудга келтиради. СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ратификация қилинган ёрлиқларни топшириш маросимида сўзлаган нуткида бундай деди: «Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар бундан ўзи ҳам ана шу йўлдан боришни зарур деб ҳисоблайдилар ва ҳамма давлатларнинг яхши ниятда эканликларини, чинакам қуролсизланишга амалда киришишга тайёр эканликларини кўрсатишга чақирадилар».

Жаҳондаги барча мамлакатларнинг халқлари ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши қуролланиш пойгасини, аввало, ракета-ядро қуроли билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш тўғрисида битимга келиш, еппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақидаги шартномани ишлаб чиқиш учун омил бўлиб хизмат қилади, деб умид боғламоқдалар.

ИТАЛИЯДА ҲУКУМАТ ТАНГЛИГИ

Италияда ҳукумат танглиги қарийб бир ойдан буён давом этмоқда. Истеъфо берган министрлар кабинетининг бошлиғи Мариано Руморнинг тўрт партия (христиан-демократик партияси социалистик партия, социал-демократик партия ва республикачилар партияси) иштироки билан «Сўл марказчилар» коалициясини қайтадан вужудга келтириш йўлидаги уринишлари барбод бўлди.

«Сўл марказ» ҳукумати Италия Социалистик партиясида рўй берган ажралиш натижасида ўтган йил июль ойида тарқалиб кетганидан кейин Румор бир партияли христиан-демократик ҳукуматга олти ой бошчилик қилди — у тузган ва парламентда кўпчиликка эга бўлмаган ҳукумат гоят беқарор эканлиги эр бошиданоқ маълум эди. Италиядаги ҳуморсиз докралар ўзлари учун қулай бўлган «Сўл марказ» ҳукуматини тиклашга доим умид боғлаб келдилар. Бундай ҳукумат сўл гапларни ниқоб қилиб олиб, Атлантик блок йўлини давом эттириши, монополияларнинг манфаатларини садоқат билан қўллаб-қувватлаши энг муҳим ислоҳотлар ўтказилишини пайсалга солиши керак эди.

Руморнинг муваффақиятсизликка учраганлиги тасодифий эмас: «Сўл марказ» партиялари ўртасида Италиянинг снёсий ҳаётига доир энг муҳим масалалар ҳусусида гоят жиддий ихтилофлар бор. Асосий ихтилоф қўйидагилардан иборат: социал-демократлар ва христиан-демократлар социалистларнинг парламентда ҳам, маҳаллий ҳокимият органларида ҳам коммунистлар билан ҳар қандай алоқадан воз кечиш тўғрисида ваъда беришлари учун ҳаракат қилмоқда. Аммо социалистик партияда тобора жатта роль ўйнаётган сўл қанот Италия Социалистик партиясининг ана шундай шартлар билан ҳукумат составига киришига қарши норозилик билдирмоқда.

Румор миссияси барбод бўлганидан кейин, президент Сарагат «янги ҳукуматни тузиш мақсадида зарур алоқалар ўрнатишни христиан-демократ А. Морога топширди. Италия обзорчилари Моро ҳам муваффақиятсизликка учрайдиган бўлса, парламентни тарқатиш ва муддатидан илгари сайловлар ўтказишдан бошқа чора қолмайди, деб фараз қилмоқдалар. (ТАСС).

Ғарбий Германия. Касаба союз аъзолари ва ёшлардан иборат бўлган ўн мингга яқин киши неонацистлар йиғинига қарши норозилик митингига тўпланишди. Улар Боннда национал демократик партиянинг тақиқланишини талаб қилдилар. Суратда: Митинг пайти.

АДН—ТАСС телефотоси.

МИРМУҲСИН.

АБУ ЗАЪБАЛ ҚОНГА БЕЛАНДИ

Ўт билан ўйнашган ёнади ўтда —
Исроил тажовуз қилмоқда ёмон.
Қотилларнинг боши кетар албатта —
Тарихда ҳеч қачон қолмаган омон!
Араб заводига ёғдирди бомба —
Қонига беланди, бўлсин деди қуя...
Энди ташла туғруқхонага, хумпар!
Битсин деган қўшнинг авлоди бутқуа.
Ҳаммасини билиб турибмиз, сенга
Даҳшатли ярогни бермоқда кимлар!
Асрий лаънатингни ялдинг номингга,
Халқларни қирпичоқ қилган ҳокимлар
Йўқолар бир куни! Минг афсус, эҳир —
«Мен ҳам яҳудийман» дегандин бир вақт.
Сионизм деган ўта абаҳлар
Яҳудий халқини қилмоқда бебахт,
Қувиган, ўлдирган, тириклай кўмган
Гитлерчи унсурлар дўстмиш, ажабо!
Бу қандай сотқинлик! Бу қандайин гап!?
Шундай қолиб кетмас ҳиёнат, жафо!
Ишчилар, хотинлар, болалар қони
Ёқангиздан тутар, бордир ал қасос!
Исроил демаймиз, умумий қилиб,
Лаънати Исроил, деймиз, бор асос!

ОДАМЛАРГА ТИНЧЛИК

«Тинчлик, тинчлик... Халқ урушни хоҳламайди, урушмайди ҳам!.. урушмайди?.. Бордию кучқудратимиз етарли бўлгандачи?! Йўқ, социализм ғалабасига тинчликнинг бир куни қолибона урушнинг ўн кунидан кўра кўпроқ фойда келтиради!.. Бу қароматли сўзлар яқиндагина доҳиймиз 100 йиллигига совға қилиб тайёрланган «Олтинчи июль» спектаклида Ленин томонидан айтилади. Ҳали ўша вақтлардаёқ В. И. Ленин тинчлик тинчлигини тарғиб қилган эди. Совет давлатининг раҳбари революциянинг эртасигаёқ тинчлик ҳақидаги декретга имзо чекган эди.

Чиндан ҳам инсон учун энг зарур нарса тинчликдир. Тинчлик бўлса юрт обод бўлади, фаровон ҳаёт бўлади, болаларимиз соғлом ўсади...

Лекин дунёда тинчликни кўролмайдиганлар ҳам бўлади. Улар ҳамма вақт одамлар бошига даҳшат солиш орзусида яшайдилар. У йиртқичлар Америка империалистларидир. Мана энди улар Исроил газандаларини иляхомлантириб, эндигина тараққиёт йўлига қадам қўйган араб халқлари бошига ўқ қўчмоқдалар. Завод, фабрикаларни ёндирмоқдалар, ғўдаларни тирик-етим қилмоқдалар. Ҳатто уларни қириб ташламоқдалар. Уларнинг қилаётган ваҳшийликлари бизга фашистларни эслатади. Дунёда шундай хавф туғилар экан, тинчликсевар совет халқлари бунга беларво қараб туролмайдилар. Ленин васиятларига абадий содиқ бўлиб келаётган Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизгина социалистик давлатлар билан ҳамкорликда халқлар ўртасида тинчлик ўрнатиш учун тинмай кураш олиб бормоқда. Тинчлик — бизнинг адабиёт ва санъатимизда ҳам асосий темалардан биридир. Бизнинг театримиз коллективи доҳиймиз Ленин ҳаётига бағишланган асарлардан жуда кўплаб қўйган.

Бу галги спектаклимизда инсоннят генийси В. И. Ленин урушнинг олдини олиш учун қандай жонбозлик кўрсатгани, уруш оловини ёқмоқчи бўлган эсэрларга қандай қаршатқич зарба бера олганлигини, бутун халқни тинчликка эргаштиролганлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Бу билан ҳозирги кунда Яқин Шарқда авж олаётган жанжалларни урушсиз, тинчлик йўли билан ҳал этишга даъват этмоқчимиз, Бизнинг коллективимиз Исроил босқинчиларига бўлган ғазабини шу спектакль орқали билдиради.

Мен шу «Олтинчи июль» спектаклида В. И. Ленин образини яратар эканман, одамларга тинчлик сўзини ҳар қачонгидан ҳам баралла айтгим келади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номли ўзбек академия драма театрининг артисти.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

Бир ойдирки, Хитой матбуоти таниқли иқтисодчи, Хитой Фанлар академияси экономика институтининг собиқ директори Сунь Е-фанни оқ қалтак, кора қалтак қилмоқда. «Хунци» журнали ўзининг февраль сонидаги мақоласида Сунь Е-фан совет иқтисодчиларидан «рентабелли» ва моддий рағбатлантириш сингари «хатарли» ғояларни ўрганиб олиб, ишчилар синфига мукофот системасини «зўрлаб қабул қилдиришга» уринди, деб айблаган эди. Ана шу мақола бу кампанияни бошлашга сигнал бўлиб хизмат қилди. Аслида эса, маочилар фақат бир қонунни — Мао Цзэдун кўрсатмаларинигина тан олаётган бир пайтда Сунь Е-фан иқтисодий қонунлар билан ҳисоблашишга даъват этганлиги унинг асосий «жинояти» бўлган эди.

Сунь Е-фан 1966 йилдаёқ ўзини «маданий революция» бошланган вақтда «контрреволюционер» деб эълон қилиниб, таъқиб остига олинган эди. Хитой матбуотининг ёзишича, ҳозирги вақтда Мао муҳолифлари «яна машъум экономизм шамолини қўзғотганликлари ва уларга зарба бериш лозимлиги» (Жэнь минь Жибао» газетасининг 24 февраль сони) сабабли Сунь Е-фанга қарши кампания бошлаш зарур бўлиб қолди. Гап шундаки, жойлардаги айрим революцион комитетларнинг раҳбарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга уриниб, Пекин берган кўрсатмаларден чекинмоқдалар, илгари ҳайдаб юборилган мутахассисларни ишга қайтариб олмоқдалар, ишчиларга баъзи масалаларда ён бермоқдалар. Ҳар бир корхонага, деб ёзади «Хунци» журнали, аввало, унинг раҳбарлиги шахсан Мао Цзэ-дунга охиригача содиқ бўлган кишиларнинг қўлидами, йўқми эканлигига қараб, баҳо бермоқ керак.

Маочилар аввалги иқтисодий қарашларни танқид қилиб, давр ўзгарганлигини эшириб, ўзларининг авантюризми ва иқтисодий қонунларни менсимаганлиги оқибатида келиб чиққан ҳамма қийинчиликлар ва камчиликларни бундан кўп йиллар мукаддам Хитойдан чиқиб кетган совет мутахассислари зиммасига, ёки ҳали ҳам жойларда ўжалик юритишнинг социалистик негизларини давом эттиришни ҳоҳловчилар зиммасига тўнкашга уринмоқдалар.

Маочилар пропагандаси советларга қарши қайфиятни кучайтириш ва давом эттириш йўлидаги зўр бериб қилаётган ҳаракатларида бемаънигарчиликларга ҳам бориб етмоқда. «Хунци» журнали ўзининг февраль сонида «Оқ қуш қўли» балетчининг Катта театрдаги янги постановкасини танқид қилиб чиқди. Бу постановкада «ёвуз қуш бутун саҳна бўйлаб парвоз қилиб, яхши қушларни бостириши, шайтонлар эса саҳнада ҳаракат қилувчи асосий шахслар бўлиб қолганлиги!» журнал редакциясини дарғазаб қилган. Журнал редакцияси «бу—саҳнада капитализмни қайта тиклашнинг чинакам машъум манзарасидир!» деган хулоса чиқаради.

Ана шуларнинг ҳаммасини шунчаки жоҳиллик, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Маочиларнинг назарий органи кейинги йилларда ашаддий шовинизм жарчиси бўлиб қолди. Унинг редакторларини ақлдан оздираётган нарса мана шу. «Хунци» редакцияси «Оққуш қўли» балетининг постановкасини танқид қилувчи мақоласида: бу балетнинг музикаси «ибтидоий рақс куйлари тўпламидан иборат бўлиб, ҳозирги вақтда Хитойда Мао Цзэ-дун сўзлари асосида ёзилаётган юксак музика билан уни ҳеч бир таққослаб бўлмайди» — деб даъво қилади.

Кейинги вақтларда Хитойда миллий озодлик кураши даврларидаги эски қўшиқларга тўхталган янги сўзлар ўргатилмоқда. Марказ томонидан маъқулланган қўшиқларнинг текстлари ҳамма газеталарда босиб чиқарилди ва радио орқали тинимсиз эшиттирилиб турилибди. Радио станцияларга ана шу янги текстларни тингловчиларга қандай ўргатиш чераклиги тўғрисида батафсил йўл-йўриқ ҳам берилган. Қўшиқни ўргатишдан аввал япон босқинчиларига қарши олиб борилган курашни эслатиш, шундан кейин эса, ҳозир «Хитой чегарасида унга қарши уруш очиш хавфини солиб турган янги душман» турганлигини тушунтириш лозим экан. Йўл-йўриққа биноан, шу гапни тушунтириш вақтида тингловчиларда «Шимолдаги қўшни» назарда тутилаётганлиги ҳақида ҳеч қандай шубҳа қолмаслиги лозим экан.

Вилоятлардаги радио станциялар ана шу йўл-йўриққа қаттиқ риоя қилдилар, уларнинг бири эса йўл-йўриқнинг ўзини ҳам тингловчиларга эшиттириб юборди.

Хитойда ўтказиладиган ҳар қандай пропаганда кампанияси советларга қарши қаратилиши одат бўлиб қолди. Бунинг устига «совет хавфи» тўғрисидаги қабиҳ ўйдирма айниқса тез-тез ва энг қутилмаган масалалар ҳусусида ҳам такрорлаб турилибди. Яқинда Хитойнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа қисмлари Хайнань ороли яқинида Американинг учувчисиз разведка самолётини уриб туширди. Одатда Америка самолётлари Хитойнинг осмон чегарасини бузиб ўтган тақдирда ХХР Ташқи ишлар министрлиги америкаликларни «жиддий огоҳлантирар» эди. Бу сафар ҳатто навбатдаги «огоҳлантириш» ҳам эълон қилинмади. Бунинг ўрнига ХКП Марказий Комитетининг ҳарбий комитети чиқарган буйруқда... «совет хавфи» ҳақида гапирилди.

Маочилар мамлакатда Советларга қарши кайфиятни кучайтирмоқ учун Совет Иттифоқи тўғрисида ва бошқа социалистик мамлакатлар ҳақида империалистик мамлакатларнинг ҳар қандай пропаганда манбаидан олинган туҳмат-бўҳтонларни рўкач қилиб, такрорламоқда. Дарвоқе, «совет хавфи» тўғрисидаги миш-мишларни ҳам Пекиннинг кулоғига Ғарб пропагандаси қуйган эди. Кишини ҳайратга соладиган нарса шуки, эндиликда Америка обзорчиси Жозеф Олсоп сингари ашаддий антикоммунистлар ҳам, бехосдан Мао режими тўғрисида жон куйдириб ғамхўрлик қиладиган бўлиб қолдилар.

Ғарбдаги империалистик доиралар Пекиннинг Советларга қарши зўр бериб қилаётган ҳаракатларини юксак қадрлашларини турли воситалар билан изҳор этмоқдалар. «Чикаго Дэйли Ньюс» газетасининг далолат беришича, Хитой ишлари билан шуғулланувчи Америка экспертлари ҳозир ўзларининг Пекин раҳбарларига бўлган муносабатларини кескин қайта кўриб чиқмоқдалар. Улар маданий революциянинг маш-машаларини, жумладан мактаблар ва университетлар бир неча йил мобайнида ёпиб қўйилганлигини, студентлар шаҳарлардан кўплаб сургун қилинганлигини ва зиёлилардан ўч олинганлигини ҳам «маъқул бир иш» деб билмоқдалар.

(ТАСС).

Футбол мавсуми бошланди

Бу йилги катта футбол — мамлакат чемпионати Озарбайжонда бошланди. Утган куни Бону шаҳар марказий стадионида ишқибозларнинг олқишлари ила бор янгради. Чемпионат байроғи ҳилпираб турган майдонда пойтахт армиячилари билан «Шахтёр» футболчилари беллашдилар. Биринчи тўпни киритиш армиячи Борис Копейкинга насиб этди. Ярим ҳимоячи Полиарпов эса иккинчи тўп билан ғалабани мустаҳкамлади. Шундай қилиб, ЦСКА командаси ҳисобига қимматли 2 очко ёзиб қўйилди.

* * *

Шанба куни Тошкентда «Пахтакор» командаси мавсум олди биринчи учрашувини ўтказди. Душанбанинг «Помир» командаси билан бўлган бу ўйинда пахтакорчилар 4 : 0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545. Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333489. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 331216. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 337221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 338553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 336142. Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330154, 330255, 330259, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУҲБИРЛАРИ. Андижон — 48-85. Бухоро 3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд 31—972. Термез 23—27. Урганч 34—55. Гулистон — 22—09.

№ Г. — 57. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Р. 02321.